ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
«АЛЛЕРГОЛОГИЯ, КЛИНИК ИММУНОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ»
КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўқув ишлари бўйича проректор
Хаитов Қ. Н. _____

2019 йил “_19_” _июнь

510000 Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси
5510100 - Даволаш иши
5511000 – Касб таълими (5510100 Даволаш иши)
5510200 - Педиатрия иши

таълим йўналиши учун

2.09. МИКРОБИОЛОГИЯ, ВИРУСОЛОГИЯ ВА ИММУНОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

II курс

Умумий ўқув соати – 180 соат

Шу жумладан:

Маъруза – 36 соат (3 семестр - 18 соат; 4 семестр –18 соат)

Амалий машғулотлар – 72 соат (3 семестр - 28 соат; 4 семестр -44 соат)

Лаборатория ишлари – 18 соат (3 семестр - 8 соат; 4 семестр - 10 соат)

Мустақил таълим соати – 54 соат (3 семестр - 18 соат; 4 семестр – 36 соат)

ТОШКЕНТ – 2019

Микробиология, вирусология, иммунология фанни ўқув услубий мажмуаси **5510200** Педиатрия иши, **5511000** Касб таълими (**5510100-** Даволаш иши), **5510100** Даволаш иши таълим йўналишининг ДТС-2018нинг тасдиқланган (ЎзР ССВ 2018. 30. 08 № 544) Ўқув режаси ва Ўқув дастури бўйича тузилган.

Тузувчилар:

«Аллергология, клиник иммунология, микробиология» кафедраси профессори т.ф.д., М.А.Мирзаева, доцентлар б.ф.н., Х.З. Тургунова, т.ф.н., Д.Э.Махкамова, б.ф.н., Д.Х.Хаджаева, катта ўқитувчилар т.ф.н., З.К.Каримова, Н.С.Гафурова, ассистентлар т.ф.н.,Исломов А.Й., О.А.Жумаев.

Тақризчилар:

Исхакова Х.И. –Ўз.Рес.ССВ ТошИУВ, микробиология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Қосимов И.А. – ТошПТИ “Эпидемиология ва юқумли касалликлар” кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Фаннинг Ўқув услубий мажмуаси Тошкент педиатрия тиббиёт институти Марказий услубий кенгашининг 2019 йил “__19_” 06_даги “__10__”- сон қарори билан тасдиқланди.

Кафедра мудири _____ **И.Р. Юлдашов**

II- Педиатрия факультети декани _____ **Б.М.Таджиев**

Ўқув услубий бўлим бошлиғи _____ **Н.В.Агзамова**

Мундарижа

Кириш.....3-5
Марузалар тематик режаси……..6-7
Амалий машғулотлар тематик режаси..... 7-9
Хронокарта 10-11
Амалий машғулот 1.....12-16
Амалий машғулот 2.....17-23
Амалий машғулот 3.....23-29
Амалий машғулот 4.....29-35
Амалий машғулот 5.....35-40
Амалий машғулот 6.....40-45
Амалий машғулот 7.....46-51
Амалий машғулот 8.....51-57
Амалий машғулот 9.....57-65
Амалий машғулот 10.....66-70.
Амалий машғулот 11.....70-76
Амалий машғулот 12.....76-80
Амалий машғулот13 80-84
Амалий машғулот 14..... ..104-109
Амалий машғулот 15.....109-113
Амалий машғулот 16.....113-118
Амалий машғулот 17.....119-123.
Амалий машғулот 18.....123-128
Амалий машғулот 19.....128-133
Амалий машғулот 20.....133-138
Амалий машғулот 21.....138-143
Амалий машғулот 22.....143-148.
Амалий машғулот 23.....148-152.
Амалий машғулот 24.....152-157
Амалий машғулот 25.....157-161.
Амалий машғулот 26.....161-167
Амалий машғулот 27.....167-172
Амалий машғулот 28.....172-176
Амалий машғулот 29.....176-181
Амалий машғулот 30.....181-187

Амалий машғулот 31.....187-190
Амалий машғулот 32.....198-202
Амалий машғулот 33.....202-206
Амалий машғулот 34.....206-212
Амалий машғулот 35.....212-218
Амалий машғулот 36.....218-223
ЯБ тестлари.....223-283
Якуний баҳолаш мезонлари 284
Глоссарий.....285
Адабиётлар рўйхати..... 290

2-Модуль. Микробиология, вирусология, иммунология фанидан амалий машғулотлар тематик режаси 5510200- "Педиатрия иши, 5511000 Касб таълими (5510100-Даволаш иши), 5510100- Даволаш иши II курс
2-Модуль. Микробиология, вирусология ва иммунология
II курс

2- жадвал

№	Мавзу номи ва бахолаш тури	Соат
1	Бактериологик, вирусологик, иммунологик лабораториялар ва уларни жиҳозланиши. Бемордан намуна олиш техникаси ва уни лабораторияга юбориш қоидалари. Оддий бўяш усуллари.	**1**
	Лаборатория иши№1: Еруглик микроскопида иммерсион системани куллашни урганиш.	**1**
2	Микроорганизмларни морфологияси ва ўрганиш усуллари. Бактериялар ультураструктураси, уларни ўзига хос хусусиятлари ва ўрганиш усуллари. Мураккаб бўяш усуллари (Грам, Гинс-Бурри, Циль-Нильсен, Романовский-Гимза, Ожешко усуллари).	**1**
	Лаборатория иши№2: Патологик материал экилган зич ва суюк озик мухитлардан препарат тайерлаш,фиксация килиш.оддий ва мураккаб буяш усулларидан фойдаланиш	**1**
3	Микроорганизмлар физиологияси: озикланиши, нафас олиши, купайиши, усиши. Озик мухитлар, уларнинг классификацияси. Соф культура ва идентификация хакида тушунча.	**1**
	Лаборатория иши№3: Зич ва суюк озик мухитларда патологик материалдаги бактериал культурани экишни утказиш.	**1**
4	Аэроб ва анаэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиш усуллари. Микроорганизмларнинг хаёти фаолиятида ишлаб чикарадиган махсулотлари ва уларни урганиш усуллари.	**1**
	Лаборатория иши№4: Аэроб ва анаэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиш ва уларни идентификация килиш	**1**
5	Умумий вирусология. Вирусларни тузилиши, купайиши. Уларни ажратиб олиш усуллари.вируслар, риккетсиялар, хламидияларни устириш усуллари. Бактериофаглар, тузилиши, ажратиб олиш ва кулланилиши. Бактериолизис ходисасини урганиш усуллари.	**1**
	Лаборатория иши№5: Бактерияларни фаготипларга ажратишни утказиш.	**1**
6	Ташқи муҳит омилларини микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятига таъсири; стерилизация, дезинфекция, асептика ва антисептика. Антибиотиклар, уларнинг классификацияси. Химиотерапевтик препаратлар. Микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлигини аниклаш усуллари.	**1**
	Лаборатория иши№6: Когозли диск усулида бактерияларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниклаш	**1**
7	Микроорганизмлар экологияси. Сув, тупрок, хаво микрофлораси, уларни урганиш усуллари.	**2**
8	Одам организми нормал микрофлораси, унинг шаклланиши. Дисбактериоз тушунчаси, уни ўрганиш усуллари.	**1**
	Лаборатория иши№7: Одам организми нормал микрофлорасининг микдор ва сифат таркибини аниклаш ва олинган натижага бахо бериш(норма,дисбактериоз)	**1**
9	Инфекция ва инфекцион жараён тушунчаси. Инфекцион касалликларни лаборатор диагностикаси. Усаётган бола организмида инфекцион	**1**

	жараённинг кечиши.	
	Лаборатория иши№8: Бактериал юкумли касалликларнимикробиологик диагностикасини утказиш (микроскопик, бактериологик, серологик)	**1**
1 0	Иммунитет ҳақида тушунча. Иммунитет турлари. Иммун аъзолари. Организмнинг махсус ва номахсус ҳимоя омиллари, уларнинг аҳамияти. Организмнинг иммун ҳолатига баҳо бериш усуллари.	**2**
11	Антиген ва антителалар. Серологик реакциялар (агглютинация, гемагглютинация реакциялари, преципитация, иммунофлюоресценция, иммунофермент анализ, ПЗР ва бошқ.).	**2**
12	Иммунтанқислик ҳолатлари (туғма ва ҳаёт давомида орттирилган, аллергия). Онкология ва иммунитет. Микроорганизмларнинг генетикаси.	**2**
13	Вакциналар, зардоблар, уларнинг классификацияси, олиниши ва тиббиётда ишлатилиши.	**2**
14	Ичак инфекциялари қўзғатувчилари: эшерихиоз қўзғатувчиси, улар характеристикаси ва лаборатория диагностикаси.	**2**
15	Шигеллиоз ва ичак иерсиниози қўзғатувчилари , улар характеристикаси ва лабаратория диагностикаси.	**2**
16	Қорин тифи ва паратиф А ва В қўзғатувчилари, улар характеристикаси, лаборатория диагностикаси.	**2**
17	Токсикоинфекциялар:сальмонеллёз,ботулизм қўзғатувчилари. Улар характеристикаси ва лаборатория диагностикаси.	**2**
18	Токсикоинфекциялар: протей,стафилококк ва бошка инфекция қўзғатувчилари.Улар характеристикаси ва лаборатория диагностикаси.	**2**
	Жами	**36**

IV семестр

№	**Мавзу номи ва бахолаш тури**	**Соат**
19	Патоген грам мусбат кокклар: стафилококк, стрептококк, пневмококк ва кук йирингли таёкчаларнинг умумий характеристикаси ва улар чақирадиган йирингли – яллигланиш касалликларининг лаборатор диагностикаси.	**1**
	Лаборатория иши№9 Фурункулли ярадан, ангина билан касалланган бемордан олинган патологик материални бактериологик ва бактериоскопик текшириш.	**2**
20	Патоген грам манфий кокклар: менингококк,гонококкларнинг умумий хоссалари ва улар чақирадиган касалликларнинг лаборатория диагностикаси.	**1**
	Лаборатория иши№10 Бурун ва томокдан олинган патологик материални бактериологик ва бактериоскопик текшириш.	**2**
21	Коринебактериялар ва бордотеллаларнинг характеристикаси. Бўғма касаллиги ва кўкйўтал кузгатувчисининг лаборатория диагностикаси	**1**
	Лаборатория иши№11 ККАга “йутал пластинкаси” усулида экилган экма натижасини бахолаш. Культураль ва морфологик хусусиятларига бахо бериш.	**2**
22	Микобактерия: уларнинг умумий хартеристикаси. Сил, мохов кузгатувчиларини лаборатория диагностикаси	**3**
23	Патоген анаэроблар: Газли гангрена ва коқшол қўзғатувчиларининг умумий характеристикаси ва лаб. ташҳиси.	**3**

24	Микоз касалликлари: актиномикозлар, дерматомикозлар, кандидомикозлар. Касалликларнинг лаборатория диагностикаси	**1**
	Лаборатория иши№12 Актиномицетлар морфологиясини ургани ш максадида агарли культкрадан суртма тайёрлаш. Грамм усулида буяш, микроскопда куриш, расмини чизиш	**2**
25	Ута хавфли инфекциялар: Вабо, улат кузгатувчиларининг умумий характеристикаси ва касалликларнинг лаборатория диагностикаси	**1**
	Лаборатория иши№13 Очик сув хавзасидан намуна олиш, экиш ва Мечников вибрионини аниклаш	**2**
26	Ута хавфли инфекциялар: бруцеллёз, сибир яраси кузгатувчилари умумий характеристикаси ва касалликларнинг лаборатория диагностикаси	**3**
27	Патоген спирохеталар: кузгатувчиларининг умумий характеристикаси. Захм, кайталама тиф, лептоспироз. касалликларнинг лаборатория диагностикаси.	**3**
28	Микоплазмалар, хламидиялар ва клебсиеллалар. Улар чакирадиган касалликлар. Лаборатория диагностикаси, профилактикаси.	**3**
29	Риккетсиозлар: тошмали тиф, Ку- иситмаси.кузгатувчиларининг характеристикаси ва касалликнинг лаборатория диагностикаси	**3**
30	Респиратор вируслар: Орто- ва парамиксовируслар –грипп, парагрипп, эпидемик паратит вирусларининг лаборатория диагностикаси.	**3**
31	Морбилливирус- кизамик вируси ва аденовирусларнинг умумий характеристикаси ва касалликларнинг лаборатория диагностикаси.	**3**
32	Гепатит А,В,С,Д,Е вирусларига характеристика ва улар кузгатган касалликларнинг лаборатория диагностикаси.	**3**
33	Ретровируслар -ОИТС вирусларига характеристикаси ва лаборатория диагностикаси.	**3**
34	Энтеро-, нейровируслар: Кутириш, Коксаки, ЕСНО, полиомиелит касалликларининг лаборатория диагностикаси.	**3**
35	Герпесвируслар: оддий учук вируси, цитомегаловирус, сув чечак ва ураб олувчи темиратки вирусларининг лаборатория диагностикаси.	**3**
36	Безгак, лейшманиоз қўзғатувчиларининг хоссалари, касалликнинг лаборатория диагностикаси	**3**
	Жами	**54 соат**

Мундарижа

Кириш.....3-5
Марузалар тематик режаси……..6-7
Амалий машғулотлар тематик режаси..... 7-9
Хронокарта 10-11
Амалий машғулот 1.....12-16
Амалий машғулот 2.....17-23
Амалий машғулот 3.....23-29
Амалий машғулот 4.....29-35
Амалий машғулот 5.....35-40
Амалий машғулот 6.....40-45
Амалий машғулот 7.....46-51
Амалий машғулот 8.....51-57
Амалий машғулот 9.....57-65
Амалий машғулот 10.....66-70.
Амалий машғулот 11.....70-76
Амалий машғулот 12.....76-80
Амалий машғулот13 80-84
ОБ тестлари№1.....84-104
Амалий машғулот 14..... ..104-109
Амалий машғулот 15.....109-113
Амалий машғулот 16.....113-118
Амалий машғулот 17.....119-123.
Амалий машғулот 18.....123-128
Амалий машғулот 19.....128-133
Амалий машғулот 20.....133-138
Амалий машғулот 21.....138-143
Амалий машғулот 22.....143-148.
Амалий машғулот 23.....148-152.
Амалий машғулот 24.....152-157
Амалий машғулот 25.....157-161.
Амалий машғулот 26.....161-167
Амалий машғулот 27.....167-172
Амалий машғулот 28.....172-176
Амалий машғулот 29.....176-181

Амалий машғулот 30.....181-187
Амалий машғулот 31.....187-190
ОБ тестлари №2.....191-197
Амалий машғулот 32.....198-202
Амалий машғулот 33.....202-206
Амалий машғулот 34.....206-212
Амалий машғулот 35.....212-218
Амалий машғулот 36.....218-223
ЯБ тестлари.....223-309
Якуний баҳолаш мезонлари 305
Талабалари билимини Микробиология,вирусология ва иммунология фанидан рейтинг тизимида назорат қилиш ва баҳолаш.....306-307
Глоссарий.....308-310
Адабиётлар рўйхати..... 312

1-18 машгулотларни хронологик картаси. 2 соатли 90мин.

№ пп	Машгулот этаплари ва мавзунинг асосий саволлари	Машгулот формаси	Вакт дакикада	Хисобот ва назорат формас
1	Укитувчининг кириш сузи,талабаларнинг машгулотга тайёргарлигини текшириш		10 мин.	
2	Талабаларни назарий билим даражаларини янги технология усуллари ёрдамида(стол атрофида,копдаги мушук в.х.к.,вазиятли масалалар)	Тушунтириш, Сўроқ. .Янги технология усуллари ёрдамида	35мин.	Ишчи дафтарга ёзиш
3	Танаффус		5мин.	
4	Талабаларни назарий билим даражаларини янги технология усуллари ёрдамида(стол атрофида,копдаги мушук в.х.к.,вазиятли масалалар)давоми.	Тушунтириш, Сўроқ. янги технология усуллари ёрдамида	15мин.	Ишчи дафтарга ёзиш
5	Укитувчини мавзу буйича умумлашти.		5мин.	
11	Хар бир талабани 100-балли система буйича бахолаш ва эълон килиш	Информация	15 мин.	ЖН ни жаридага ёзиш
12	Машгулот буйича укитувчининг якуний сузи ва келгуси машгулот мавзусини эълон килиши ва тушинтириб бериш.	Информация, мустакил шугулланиш учун саволлар	10 мин.	Ишчи дафтарга ёзиш.

№19-36 машгулотларни хронологик картаси. 3 соатли 135 мин.

№ пп	Машгулот этаплари ва мавзунинг асосий саволлари	Машгулот формаси	Вакт дакикада	Хисобот ва назорат формаси
1	Укитувчининг кириш сузи,талабаларнинг машгулотга тайёргарлигини текшириш		10 мин.	
2	Талабаларни назарий билим даражаларини янги технология усуллари ёрдамида(стол атрофида,копдаги мушук в.х.к.,вазиятли масалалар)	Тушунтири Сўроқ. .Янги технология усуллари ёрдамида	35мин.	Ишчи дафтарга ёзиш
3	Танаффус		5мин.	
4	Укитувчини мавзу буйича умумлаштириши		10мин.	
5	Мавзуни узлаштириши учун талабаларга курсатма материалларни таркатиш:микропрепаратлар,микроблар устирилган озик мухитлар.		15мин.	
6	Машгулотни амалий кисмини узлаштириши буйича талабаларнинг мустакил ишлари.	Озик мухитларга экиш ва серологик реакцияларни куйиш.	20	Ишчи дафтарга протокол тарзида ёзиш ва расмини чизиш
7	Танаффус		15мин.	
8	Амалий иш натижаларини мухокама килиш ва талабаларни билим даражаларини бахолаш	Сўроқ, мухокама натижаларини текшириш	15мин.	Бахолаш натижаларини жаридага ёзиш
9	Хар бир талабани 100-балли система буйича бахолаш ва эълон килиш	Информация	10мин.	ЖБ ни жаридага ёзиш

10	Машгулот буйича укитувчининг якуний сузи ва келгуси машгулот мавзусини эълон килиши ва тушинтириб бериш.	Информация, мустакил шугулланиш учун саволлар	20мин.	Ишчи дафтарга ёзиш.

Машгулот№1

Лабораторияда ишлаш қоидалари. Микроскоплар ва уларнинг турлари. Микроскоп билан ишлаш. Суртма тайёрлаш техникаси. Оддий бўяш усули.

Иш боскичининг давомийлиги 2 соат(90)	**Ишни олиб бориши**	
	Муаллим томонидан	**Талаба томонидан**
1- боскич. Укув дарсига кириш кисми (35 мин.)	**1.1. Лабораторияда ишлаш қоидалари. Микроскоплар ва уларнинг турлари. Микроскоп билан ишлаш. Суртма тайёрлаш техникаси. Оддий бўяш усули.** **Мавзунинг асосий максади** -- талабаларга лабораторияда ишлаш қоидалари, микроскоплар ва уларнинг турлари, микроскоп билан ишлашни ургатиш. Суртма тайёрлаш техникаси микроорганизмларни шакли, тузилиши тугрисида, уларнинг турларини ўрганиш. Морфологиясини ўрганишда бўяш усулининг ахамияти. **Мавзунинг вазифаси**: Талабаларнинг онгига тиббиёт микробиологиясинииг юкумли касалликларнинг қўзғатувчилари билан таништириш. Бунинг учун талабаларни микроорганизмларнинг келиб чикиши табиатдаги ва инсон хаётида тутган урнини тушунтириб бериш. Микроорганизмларнинг морфологиясини, уларнинг турларини тушунтириб бериш. . Препарат тайёрлаш техникаси ва оддий буяш усулларини тушунтириш. ***Машгулот утилгандан кейин талабалар билишлари керак:*** -Бактериологик, вирусологик, серологик лабораторияларни, ташкил килиниши, жихозлари ва ишлашдаги тартиб, коидалари, ишлаш принципларини. -Медицина микробиологиясида энг куп учрайдиган микроорганизмларни асосий гурухларини. -Микробиологик амалиётда кулланиладиган асосий микроскоплар турларини (МБИ+МБИ-2, Биолам Р-1, люменицент микроскоп). ***Куйидаги куникмаларни талабалар кила билишлари керак:*** Бемордан патологик материални олиш техникасини; Патологик материаллардан, микроб культурасидан суртма тайёрлаш техникасини (суртма тайёрлаш, куритиш фиксация килиш). -Тайёрланган суртмаларни оддий усулларда буяшни. -Буяб тайёрланган суртмани ёруглик микроскопида иммерсион системада кура билиш ва уларни морфологик белгиларига караб ажратиш, тасвирини чизиш.	Эшитишади, аниклик киритишади, саволлар беришади.
2- боскич Асосий (115 мин.)	2.1. блиц-сурок/савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш утказилади. 2.2.Укув машгулоти структурасига биноан лаборатория ишларини бажариш, вазиятли масалалар ва график органайзерни	Жавоб берадилар, эшитадилар, гурухда

	урганилади. 23.Аналитикким. Вазиятли масалаларечиш: 2.4. «Бактериологик лабораториянинг проектировкаси, тузилиши,жихозланиши ва моддий таъминланиши» буйича кластер тузиш ва иш ўйини ўтказиш.	ишлайдилар, иш натижаларини презентация киладилар.
3- боскич. Якунловчи-натижаловчи боскич (30 мин.)	3.1.Мавзу буйича хулоса чикарилади, талабаларнинг фикрини мавзуни асосига йуналтириб, профессионал иш юритишда килинган ишларни мухимлигини айтиб утади. 3.2.Гурухни/алохида катнашчиларни иш олиб боришини бахолайди,узаро бахолашни якунига етказади. 3.3. Укув машгулотини максадига етишиш даражасини тахлил килади ва бахолайди. 3.4. Аудиториядан ташкари бажариладиган мустакил ишни таркатади.	Уз-узини бахолаш/хамма катори бахолашни утказади.Савол лар беради.

Микробиологик лабораторияларда утказиладиган тадқиқотлар уларнинг мақсадига кура аниқланади. Клиника-диагностика лабораторияларида юқумли касалликларнинг микробиологик диагностикаси аниқланади. Санитар-эпидемиологик стансия (СЭС)ларнинг лабораториялари соглиқни сақлаш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари системасида хизмат қилувчи соглом ва юқумли касалликлар билан бемор кишилардан олинган материалларнинг бактериологик ва серологик жиҳатдан тадқиқ этиш вазифасини бажаради. Бактериологик лабораторияларда атроф-муҳит объектларининг (ҳаво, тупроқ, сув, озиқ-овқат маҳсулотлари) бактериал зарарланиши ёки ифлосланиши урганилади. Махсус лабораториялар эса вакцина, зардоб ва бошқа бактерия препаратларининг зарарсизлиги ва самарадорлигини назорат қилиб туради, ҳар қандай микробиологик лаборатория структурасига қуйидагилар киради:

1) лаборатория хоналари ва асептик шароитда ишлаш учун бокслар;

2) озиқали муҳит, идишларни стериллаш, фойдаланиб булинган юқумли материални зарарсизлантириш учун махсус жиҳозланган хона;

3) идишларни тозалашга мулжалланган ювиш хонаси;

4) тажрибахона жониворларини сақлашга мулжалланган алоҳида хона — виварийлар;

Лаборатория хоналарининг баландлиги 3 м дан кам булмаслиги, вентилятсия (ҳаво алмашиниш), водопровод, канализатсия, электроенергия ва имкони булса газ билан таъминланган булиши керак. Деворлар мой-буёқ билан буялиши ёки кафел плиткалари билан қопланиши, полга эса линолеум ёйилиши зарур.

Ҳар бир иш жойида махсус стол қуйилган булиб, хоналар электр асбоблари, газ ва сув билан таъминланган булиши керак. Лаборатория столининг усти дезинфекция қилиш учун пластика, линолеум ёки ойна билан қопланган булади. Иш жойи ёритгичли микроскоп, буёқлар туплами ва препаратларни буяйдиган реактивлар, бактерия оладиган илмоқ, илгак, игна, шпател, пастер ва даражаланган томизг`ичлар, предмет ва қоплама ойначалар, муйчинак, суртмаларни тайёрлаш ва буяшга мулжалланган ванна ва харилар, водопровод суви билан тозалагич, дезинфекция эритмаси солинган идиш, пахта, фланел

сочиқ, шишага чизадиган қалам ва фильтр қогози билан таъминланади. Лабораторияда ҳар доим пробиркалар, Петри косачалари, Ру-флаконлари ёки матраслари, ампулалар ва бошқа нарсалардан иборат тажрибахона идишлари мажмуаси ҳам мавжуд булиши керак.

Талабалар микробиологик лабораторияда иш бошлаган дастлабки кунлариданоқ улар урганадиган микроорганизмлар касаллик қузгатиш мумкинлигини ёдда тутишлари лозим. Шу боис микробиологик лабораторияда ишлаганда қуйидаги қоидаларга қаттиқ риоя қилиш керак:

1) Лабораторияга оқ халат, оқ қалпоқча, румолча, шиппакда кириш ва ишлаш.

2) Лаборатория хоналарида овқат ва сув истеъмол қилмаслик, чекиш, ортиқча гап-суз ва нозарурий хатти-ҳаракатлардан тийилиш.

3) ҳамиша бир жойда утириб ишлаш, амалий топшириқларни бажариш чогида тозалик ва саранжом-саришталикка риоя қилиш, машгулот тугагач қулни яхшилаб ювиш, зарур булганда эса дезинфексион эритма билан ишлов бериш.

4) Ишлатилган томизгич, предмет ва қоплама шишалар, шпателлар ва момиқ тампонларни дезинфекция эритмаси қуйилган идишга солиб қуйиш, тутқич бактериал илмоқ ва игналарни горелка оловида куйдириш.

5) Ишлатиб булинган экма ва микроб материалларни, шунингдек, касалланган жониворлар улимтигини зарарсизлантириш учун автоклавга топшириш.

6) Потентсиал жиҳатдан хавфли булган зарарли материал тушиши натижасида тасодифан ифлосланган стол, кийим-бош ва бошқа предметларни зудлик билан дезинфекциялаш.

«Лабораторияда ишлаш қоидалари. Микроскоплар ва уларнинг турлари. Микроскоп билан ишлаш бўйича «Копдаги мушук» иш уйинини утказиш услуби.

Иш учун зарур:

1. Топшириклар вариантларининг туплами.
2. Гурухдаги талабалар сонига караб куръа ташлаш (жеребьевка) учун сонлар.
3. Тоза когоз вараклари.

Ишни бажариш тартиби:

1. Куръа ташлаш йули билан гурух 3-4 та талабадан иборат булган кичик гурухларга булинади.
2. Хар бир кичик гурух алохида стол атрофига утиради, тоза когоз вараги ва ручка тайерланади.
3. Варакда сана, гурух сони, иш уйинини номи, шу кичик гурухда иштирок этадиган талабалар Ф.И.О.си ёзилади.
4. Хар бир кичик гурухларни битта катнашчиси укитувчини олдига келиб конвертдан топширик вариантини олади.
5. Талабалар варакка узларининг топшириклари кучирадилар ва иш бажариш учун 15 мин вакт берилади.
6. Кичик гурухлар топширикни мухокама киладилар ва тўла жавобни езадилар.
7. Укитувчи кузатиб туриши шарт, талабалар кучирмаслиги ва бошка гурухлар билан алока килмаслиги керак.

8. 15 мин. утгандан сунг жавоб вараклари йигиб олинади.
9. Укитувчи дарс давомида топшириклар тугри, тула, тартиб билан бажарилишини текширади.
10. Кичик гурухларни хамма иштирокчиларига бир хил балл куйилади.
Макс.балл 91-100%-«5»
86-90% - «5» жуда яхши беш
71-85% -«4» яхши
65-70% - «3» тулик коникарли «3»
55-64% -«3» коникарли минимал «3»
54-41% -«2»
11. Жавоблар варакида укитувчи баллар ва имзо куяди.
12. Дарсни жорий бахолашда талабаларни олган баллари эътиборга олинади.
13. Журнални бир кисмида иш уйинини утказилганлиги хакида белгиланади, гуруҳ сардори қўл қўяди.
14. Ишлар баённомалари ўқитувчида сақланади.

Иш ўйинларини ўтказиш учун саволлар тўплами:

В-1

1. Бактериологик лабораториянинг жихозларини санаб беринг.
2. Бактерия ва бациллаларнинг фарки нимада?
3. Кокклар суртмада жойлашишига кура кандай булади?
4. Суртмани нима учун фиксацияланади?

В-2

1. Вирусологик лаборатория жихозларини санаб беринг.
2. Коккларнинг тузилиши кандай?
3. Оддий буяшда кайси буёклар ишлатилади?
4. Суртма тайёрлаш техникасини айтинг.

В-3

1. Иммунологик лаборатория жихозларини санаб беринг.
2. Шарсимон микроорганизмлар кандай номланади?
3. Суртма тайёрлаш кетма-кетлигини айтинг.
4. Микроорганизмларнинг асосий группаларини айтиб беринг.

В-4

1. Лабораторияларнинг тузилиши кандай булади?
2. Таёкчасимон микроорганизмлар кандай номланади?
3. Микробиологик текшириш усули деганда нимани тушунасиз.
4. Микроорганизмларинг асосий морфологик формаларини санаб беринг.

Лаборатория иши

Ёруглик микроскопида иммерсион системани куллашни урганиш
Максад: Микробиологик текширувлар учун микроскоп ердамида микроорганизмларнинг шакли тузилиши ва бошка белгиларини аниклаш
Курсатма: микроскопик ташхис
Керакли анжомлар: еруглик микроскопи ,буюм ойначаси, иммерсион ег, пахта
Бажариладиган боскичлар(кадамлар):

№	Тадбирлар
1	Микроскопни ишчи холатга келтириш

2	8-объективда еругликни топиш
3	Тайерланган ва буялган суртмага иммерсион мойдан кичик томчи томизилади
4	Препарат буюм столига куйилади ва кулай булиши учун кискич билан мустахкамланади
5	Револьвер иммерсион объективдаги 90 белгига кадар буралади
6	Микроскоп тубуси аста секин иммерсион мойга теккунча туширилади
7	Микрометр винти ердамида препаратнинг охирги фокуси аникланади
8	Объектив препаратга тегмаслаги керак чунки у препаратни еки фронтал линзани синдириши мумкин,объективнинг препарат билан буялган оралиги 0.1-1 мм булиши керак
9	Препаратдан микробни тури морфологиясини аниклаб укитувчига курсатилиши керак
10	Иш тамом булгач иммерсион объективдаги мойни махсус материал билан яхшилаб артиш ва револьверни курук холдаги 8 объективга айлантириб куйиш шарт



Copyright ©2006 by The McGraw-Hill Companies, Inc. All rights reserved.

Бактерияларни морфологиясини ўрганиш учун, бактериялар культурасидан (тирик культурасидан) суртма тайёрланиб, уни фиксация килиниб, анилин буёклари билан буялади.Микроскопда текшириш учун суртма препаратларни тайёрлаш.

Материал олиш техникаси: Препарат тайёрлаш учун пробирка, колба [ёки Петри косачасидан бактериологик қовузлоқ ёки стерил пипетка орқали

текширилаётган материал олинади. Бактериал культурали пробирка чап қўлга, бактериологик ковузлок эса, ўнг қўлга олинади. Қовузлоқ горелка алангасида қизаргунга кадар қиздирилади. Пробиркани пробкаси ўнг қўлнинг IV,V бамоқлари билан кафтга сиқиб бураб, чиқариб олинади ва пробирка огзининг четлари алангада бироз киздирилади, қовузлоқ аста-секин пробирка ичига киритилади, ички деворга тегизилиб совутилади, сўнг аста харакат қилиниб материал олинади. Шундан сўнг пробиркадан олиниб, яна пробирка четлари қиздирилиб, пробка билан бекитилади. Препарат тайёрлангандан сўнг қовузлоқ албатта спиртовка алангасида қиздирилиши лозим.

Суюк материални - пробиркадан ёки колбадан олиш учун пипеткадан фойдаланиш мумкин, бунда пипетка унг кулда ушланади ва пипетка тешиги II бармок билан беркитилиб турилади.

Суртма тайёрлаш: Препарат тайёрлаш учун ёғсизлантирилган буюм ойнасига бир томчи сув ёки натрий хлорнинг изотоник эритмаси томизилади ва унга ковузлок билан текширилаётган материал қўшилиб, қовузлоқ билан яхшилаб аралаштирилади, суртмани диаметри 1.0-1.5 см. булиши керак, агар суртма қалинлиги бир текисда бўлмаса, микроорганизмларни алоҳида-алоҳида ётган морфологик формалари кўрилмайди. Агар текширилаётган материал суюқ мухитда бўлса, у холда уни қовузлоқ билан тўғридан тўғри буюм ойнасига томизилиб суртма тайёрланади.

Суртмани куритиш: Суртмани куритиш учун 2 усулдан фойдаланиш мумкин, биринчидан хона температурасида, иккинчидан спиртовка алнгаси устида. Спиртовка алангасида куритилганда, шуни эсда саклаш керак-ки, яъни тез куритиш учун юкори температурадан фойдаланиб бўлмайди, чунки юқори температурада микроблар деформацияга учраши мумкин.

Суртмани фиксация килиш: Фиксация килиш учун буюм ойнаси (суртма юқорига қаратилган холда) 3 маротаба аста-секин (3 секунд давомида) спиртовка алангасидан ўтқазилади. Микроорганизмлар фиксация қилинганда, ўлади ва ойна юзасига қаттиқ ёпишиб қолиши кузатилади, бу эса суртмани хавфсиз бўлишини ва кейинги босқичларда ювилиб кетмаслигини таъминлайди. Айрим холларда қон суртмаси, аъзо ва туқималардан тайёрланган суртмалар махсус фиксация киладиган суюқликларда (метил ёки этил спирти, Никифоров аралашмаси сулемали спирт) қилинади.

Суртмани бўяш: Суртмани буяш текширилаётган микробни кўриш мақсади асосида қилинади. Суртмаларни буяш оддий ва мураккаб усулларда олиб борилади. Бактерияларни морфологиясини ўрганиш учун оддий бўяш усуллари ҳам етарли хисобланади.Оддий усулда бактериялар бўялганда уларни шакли ва ўлчамлари яхши кўринади, мураккаб усулда бактерияларни морфологиясидан ташқари, истаган элементларини куришимиз ва аниқлашимиз мумкин, шунинг учун бу усул дифференциал усуллар қаторига киради.

Оддий усулда бўяш: Фиксацияланган суртма (фуксин, сафронин, метилвиолет, генциан виолет, метилен кўки) биргина бўёқ билан бўялади. 1-2 минут, сунг сув билан ювилади, қуритилиб, микроскоп остида курилади.

«Бактериологик лабораториянинг проектировкаси,тузилиши,жихозланиши ва моддий таъминланиши» буйича кластер тузиш.

(Кластер- бу кокил, богланиш)-информация харитасини тузиш булиб, маълум бир асосий фактор атрофига уни ёритиб берувчи гояларни туплаш ва конструкциянинг барча тушунчаларини урганишдир.

- Кластер куриб чикилаётган мавзуни талаба хотирасига чукуррок мухрланиб

колишини таъминлайди ва у бу мавзуни кийинчиликсиз эслаб,жавоб бериши мумкин.

- Кластер тузиш учун гурух талабалари 3 та гурухга булинади ва хар бир гурухга вазифа берилади. Улар бу вазифани бажаргач жамлашиб ката бир КЛАСТЕРни яратишади.
- Вазифада марказда калит суз булади. Талабалар шу калит сузга тегишли булган бир нечта йулдош сузларни калит суз атрофига ёзишади ва у билан чизикча ёрдамида туташтириб куядилар. Бу йулдош сузларнинг хам давомчи кичик йулдош сузлари келиб чикади,уларни чизикча куйиб катта йулдош атрофига ёзилади.
- Хар бир гурух вазифасини тугатгандан сунг асосий калит сузга бириктирадилар.
- Шу тарика маълум бир масалани ечими келиб чикади ва бу холат хотирада чукуррок сакланиб колади.



Назорат саволлари:

-Микроорганизмларни асосий группаларини айтиб беринг?
-Бактерияларни систематикаси ва классификация деганда нимани тушунасиз?
-Микроорганизмларни асосий морфологик формаларини санаб беринг?
-Амалий куникмаларни узлаштирилганини текшириш саволлари?
-Биологик микроскопда иммерсион системаннинг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?
-Микробиологик текшириш усули деганда нимани тушунасиз?
-Кандай ва нима максадда микроорганизмларни морфологияси ўрганилади?
-Шарсимон бактерияларнинг тузилиши қанақа?
-Таёқчасимон бактерияларнинг тузилиши қанақа?
-Спиралсимон бактерияларнинг тузилиши қанақа?
-Оддий бўяш усули қандай ўтказилади?
-Суртма нима учун фиксацияланади?
-Суртма тайёрлаш техникасини тушунтиринг.

Жорий бахолашни мезони

Лабораторияда ишлаш қоидалари. Микроскоплар ва уларнинг турлари. Микроскоп билан ишлаш. Суртма тайёрлаш техникаси. Оддий бўяш усули.		
00-86%	Ъало	Лабораторияда ишлаш қоидалари. Микроскоплар ва уларнинг турлари. Микроскоп билан ишлаш. Суртма тайёрлаш техникаси. Оддий бўяш усулларини тулик тушунтириб бера олади. Улар хакида тушунчага эга. Мустакил хулоса ва карор кабул килиш, ижодий фикрлай олиш, мустакил мушохада юритиш, амалда куллай олиши, савол мохиятини тушуниш, билиш, ишонч билан айтиб бериш, аник тасаввурга эга булиш. Вазиятли

		масалаларни тугри ва ижодий ечиш, асослаб бериш. Амалий маштулотда препарат тайёрлаш техникасида бажариладиган ишларни тугри бажариши ва изохлаб бериш. Амалий машгулот баённомаларини дафтарга ту'лик ёзиш, расмларни тугри чизиш. Интерактив уйинларда фаол ва ижодий катнашиш, уларни ечишда ижобий хулосалар ва тахлил килиш.
5-71%	Ихши	Лабораторияда ишлаш қоидалари. Микроскоплар ва уларнинг турлари. Микроскоп билан ишлаш. Суртма тайёрлаш техникаси. Оддий бўяш усулларини тулик тушунтириб бера олади.. Улар хакида тушунча эга. Лекин мавзуни тушунтириш давомида 2-3 та купол булмаган хатога йул куйиши. Саволни мохиятини тушуниш ва ишонч билан айтиб бериш. Вазиятли масалаларни тугри ечиши, лекин жавобнинг ту'лик ёритилмаслиги. Амалий машгулотларни тулик бажариши, лекин бажариш пайтида 1-2 кичик хатоликларга йул куйиши. Дафтарга баённома ёзиш ва_расм чизиш.
0-56%	Кони-карл	Назорат саволларига тугри лекин тулик ёритилмаслиги. Лабораторияда ишлаш қоидалари. Микроскоплар ва уларнинг турлари. Микроскоп билан ишлаш. Суртма тайёрлаш техникаси. Оддий бўяш усулларини тулик тушунтира олмади. Улар хакида тушунча кисман эга. Амалий машгулотларни бажариш пайтида 1-2 та купол хатоликлар килиши. Лаборатория машгулотини максадини тулик асослаб бериши, лекин мохиятини аник тушунтириб бера олмаслиги. Интерактив иш уйинларида иштирок этиши. Лекин катнашиш пайтида хатоликларга йул куйиши.
5% в ндан паст	Икки	Назорат саволлари ёритилмаслиги Лабораторияда ишлаш қоидалари. Микроскоплар ва уларнинг турлари. Микроскоп билан ишлаш. Суртма тайёрлаш техникаси. Оддий бўяш. усулларини тушунтира олмади. Улар хакида тушунчаси йук. Амалий машгулотларни бажариш пайтида купол хатоликлар килиши. Лаборатория машгулотини максадини асослаб бера олмаслиги.

Амалий машгулот № 2

Мавзу: Бактерия хужайрасининг морфологияси, структур тузилиши ва химиявий таркиби. Микроорганизмларни мураккаб буяш усуллари ва унинг ахамияти.

Иш боскичининг давомийлиги 2 соат 90 мин	**Ишни олиб бориши**	
	Муаллим томонидан	**Талаба томонидан**
1-боскич. Укув дарсига кириш кисми (35 мин.)	**1.1. Бактерия хужайрасининг структур тузилиши ва химиявий таркиби. Микроорганизмларни мураккаб буяш усулларива унинг ахамияти.(Грам,Циль-Нильсен,Романовский-Гимза, Бури-Гинс, Ожешко, Нейссер ва бошкалар).** **Мавзунинг асосий максади** - талабаларга микроорганизмларни шакли, тузилиши тугрисида, уларнинг турларини ўрганиш. Морфологиясини ўрганишда бўяш усулининг ахамияти. **Машгулотнинг вазифаси:**-Бактерияларни мураккаб буяш усуллари билан буяшни урганиш.-Мураккаб буяш усулларини куллаб бактерия капсуласини аниклаш.-Бацилла ва клостридиялар спораларини буялишини урганиш.-Кислотага чидамли бактерияларни мураккаб буяш усули билан буяшни урганиш.	Эшитишади, аниклик киритишади, саволлар беришади.

	Машгулот утказилгандан кейин талабалар билишлари керак. -Грам(-) ва Грам (+) бактериялар қандай рангга бўялишини ва нима учунлигини. - Циль-Нельсен усули качон кулланилишини. - Капсула кандай буяш усули билан аникланишини. - Валютин доначаси ва бошка киритмалар кандай буялишини. - Бактерияларни спораси қандай бўялишини. **Куйидаги куникмаларни кила билишлари керак:** -бемордан патологик материални олишни;	
2- боскич Асосий (115 мин.)	2.1. блиц-сурок/савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш утказилади. 2.2.Укув машгулоти структурасига биноан лаборатория ишларини бажариш, вазиятли масалалар ва график органайзерни урганилади. 2.3.Аналитик ва вазиятли масалалар ечиш. 2.4. «Бактерияларни мураккаб усулларда буяш» буйича кластер тузиш.	Жавоб берадилар, эшитадилар, гурухда ишлайдилар, иш натижаларини презентация киладилар ва х.к.
3- боскич. Якунловчи - натижаловчи боскич (30 мин.)	3.1.Мавзу буйича хулоса чикарилади, талабаларнинг фикрини мавзуни асосига йуналтириб, профессионал иш юритишда килинган ишларни мухимлигини айтиб утади. 3.2.Гурухни/алохида катнашчиларни иш олиб боришини бахолайди,узаро бахолашни якунига етказади. 3.3. Укув машгулотини максадига етишиш даражасини тахлил килади ва бахолайди. 3.4. Аудиториядан ташкари бажариладиган мустакил ишни таркатади.	Уз-узини бахолаш/хамма катори бахолашни утказади.Саволлар беради.

Бактерия хужайрасининг тузилиши

Бактериялар хам бир хужайрали организмлар бўлиб ўзларининг тузилиши жихатидан усимликларга якин туради. Бактерия хужайраси хам асосий хужайра элементларидан тузилган:

I. Бактериянинг ташки ёпкич кавати
II. Цитоплазма
III. Нуклеоид (ядроси)

I. ***Ташки ёпкич кавати:***

1. Капсула
2. Хужайра девори
3. Цитоплазматик мембрана. Капсула – 2 каватга булинади:

1. Микрокапсула
2. Макрокапсула

Вазифаси:

1. Хужайрани химоялайди.
2. Патогенлик хусусиятига эга - яъни баъзи бактерияларнинг патогенлик хусусияти шу капсулага богланган.
3. Антигенлик хусусияти (К-аг)

Хужайра девори

Хужайра девори хужайрани ташки томонидан коплаб, мураккаб химиявий таркибга эга. Хужайра девори факат микоплазмаларда ва алфа-формали бактерияларда булмайди. Хужайра девори тузилишига караб бактериялар Грам буйича буялганда 2 группага булинади - Гр +, Гр -.

Хужайра деворининг функцияси:

1. Бактерия хужайра деворига маълум бир шаклни бериб туради
2. Химоя вазифасини бажаради
3. Бактериянинг осмотик босимини ушлаб туради
4. Хужайра деворида майда тешикчалар бўлиб озик моддаларни утказади ва модда алмашиниш жараёнида катнашади
5. Хужайра деворида бактерияларнинг махсуслигини белгиловчи бир-биридан фарқ килувчи соматик О-антиген жойлашган.
6. Хужайра деворидаги ЛПС антигенлик ва токсигенлик хусусиятга эга шунинг учун ЛПС ни эндотоксин деб хам аталади.

Цитоплазматик мембрана

Цитоплазматик мембрана хужайра деворидан кейинги қобиқ хисобланади. 7-10 нм калинликда булади.

Таркибида: карбон сувлар, липидлар, оксиллар, углеводлар ва оз микдорда РНК тутади.

Таркибидаги липидлар - нейтрал липидлардан ва фосфолипидлардан ташкил топган. Липидлар таркиби хар хил микроорганизмда хар хил булади.

Цитоплазматик мембрана 2 та зич каватдан ташкил топган бўлиб, бу каватлар бир-биридан липид каватча билан ажралган.

Цитоплазматик мембрана таркибидаги **оксиллар** 2 хил куринишида бўлиб:

1) структур оксиллар
2) функционал оксиллар

Функционал оксилларга:

1. Хужайра деворининг хар хил компонентлари биосинтезида катнашувчи ферментлар
2. Оксидланиш-кайтарилиш процессида иштирок этувчи ферментлар
3. Пермеаза ферменти
4. Нафас олишда иштирок этувчи оксилларни - цитохром оксиллар, аденозин-3-фосфат оксиллари киради.

Функцияси:

1. Озик моддаларни бактерия хужайрасига ташиб беради
2. Хужайра бўлинишида иштирок этади
3. Метаболизм регуляциясида катнашади
4. Баъзи бактерияларда спора хосил килишда катнашади
5. Ферментлар ажратиб туради
6. Осмотик тусик бирикмалари синтезида катнашади
7. Хивчинлар хусусий базал танача сифатида цитоплазматик мембранадан бошланади

Цитоплазма

Хужайранинг бушлигини тулдириб туради, улар мураккаб коллоид холида бўлиб, асосий компонентларни тутади:

1. 75% сув ташкил қилади
2. Минерал бирикмалар
3. РНК ва ДНК
4. Оксиллар ферментлар

Булардан ташқари цитоплазмада нуклеоид, рибосамалар, лизосомалар ва хар хил киритмалар каби органеллалар жойлашган.
Бактериялар цитоплазмасида споралар хосил булади.

Мезосомалар

Бактерия хужайрасининг цитоплазмасида жойлашган бўлиб, цитоплазматик мембрана хосил қилади. Хар хил бактерияларда хар хил шаклда булади.
Трубага ухшаш, илмокка ухшаш, пуфакчага ухшаш. Булар митохондриялар вазифасини бажаради.

Функцияси:

1. Хужайра бўлинишида иштирок этади;
2. Спора хосил килишда иштирок этади;
3. Оксидланиш-кайтарилиш жараёнларида иштирок этади (цитохром ферментлар жойлашган).

Нуклеоид

Бактерияларда Нуклеоид эукариотлардан фарқли равишда:

1. Ядро кобиғи булмайди
2. Нуклеоид таркибида оксил-гистонлар йўқ .
3. Нуклеоидда икки ипли ДНК, оз микдорда РНК ва оксиллар бор. Гигант ДНК юмалок шаклда булади ва махсус ботикликда жойлашган.

Рибосомалар: «рибо» - нуклеин кислота «soma» - тана
Таркибида оксиллар (60-40%) ва РНК (40-60%) тутади.
Рибонуклеопротеидли гранулалар бўлиб, оксил синтези шу рибосомаларда руй беради.

Полисомалар - 20 та рибосомалар бирикиб хосил қилади. Оксил синтезидан сунг яна алохида-алохида ажралиб кетади.

Киритмалар.

Буларга крахмал, ёг томчилари, волютин доначалари, олтингугурт кабилар киради. Волютин доначалари полифосфатлардан ташкил топган бўлиб, баъзи бактерияларда тур белгисини билдирувчи хисобланади. Масалан, бугма бактерияларда (патогенларида).

Функцияси: Запас озик модда хисобланади.

Цитоплазмада автоном холда жойлашган юмалок шаклда икки ипли ДНК молекуласи бўлиб, **плазмидлар** дейилади. Буларда хам ирсий белгилар ёзилган бўлиб, уз холича белгиларни ташиб юради, лекин бактерия хужайраси учун зарур эмас.

Споралар. Булар факат таёкчасимон бактерияларда учрайди. Микроорганизмларга юкори температура, куриб колиш холатлари, рН-мухитнинг узгариши ва бошқалар таъсир этганда споралар хосил булади. Споралар цитоплазманинг каттик кисмини ташкил қилади ва бактерия хужайрасининг ички кисмида жойлашади.
Бациллалар, клостридиялар спора хосил қиладилар. Жойлашишига караб 3 та холатда булади: 1)терминал; 2)субтерминал; 3)централ.

Хосил булиш даври:

1. Тайёрланиш даври
2. Спора олди даври
3. Қобиқ хосил килиш даври
4. Етилиш даври

Спора ташки мухитда яхши сакланади. 140° да 2 соатга чидайди.
Куйдирги ярасиники 180° га чидамли.

Функцияси:

1. Бактерия хужайраси нокулай шароитга тушганда яшаши учун ёрдам беради
2. Спора микроорганизмларнинг ривожланиш даври бўлиб, тур саклашда ахамияти бор.

Хивчинлар - харакат органлари хисобланади. Асосан таёкчасимон бактериялар хосил қилади. Хивчинлар ингичка ипсимон бўлиб таркиби оксил флагеллиндан иборат. Узунлиги бактерия танасининг узунлигидан узунрок булади. Жойлашишига караб 4 та группага булинади:

1. Монотрихлар
2. Лофотрихлар
3. Амфотрихлар
4. Перитрихлар

Функцияси:

1. харакатлантиради
2. озик моддаларни камраб якинлаштиради.

Киприкчалар. (ворсинкалар, фимбриялар) узунлиги 0,3-10 мкм бўлган оксил таркибли ингичка ипчалар бўлиб, бактерия хужайрасини коплаб олган булади. Хивчинлардан фарқи харакат вазифасини бажармайди. Функциясига караб типларга булинади:

1. Умумий типдаги киприкчалар хужайин организмига бактерия хужайрасини ёпишиши ёки адгезия хусусиятини бажаради. Битта бактерия хужайрасида бир неча юздан бир неча минггача булади.
2. Sexpili - конъюгатив, жинсий киприкчалар - бактерия конъюгациясида генетик материални донордан реципиентга утказиб беради.

«Бактерияларни мураккаб усулларда буяш» буйича кластер тузиш.

(Кластер- бу кокил, богланиш)-информация харитасини тузиш булиб, маълум бир асосий фактор атрофига уни ёритиб берувчи гояларни туплаш ва конструкциянинг барча тушунчаларини урганишдир.

- Кластер куриб чикилаётган мавзуни талаба хотирасига чукуррок мухрланиб колишини таъминлайди ва у бу мавзуни кийинчиликсиз эслаб,жавоб бериши мумкин.
- Кластер тузиш учун гурух талабалари 3 та гурухга булинади ва хар бир гурухга вазифа берилади. Улар бу вазифани бажаргач жамлашиб ката бир КЛАСТЕРни яратишади.
- Вазифада марказда калит суз булади. Талабалар шу калит сузга тегишли булган бир нечта йулдош сузларни калит суз атрофига ёзишади ва у билан чизикча ёрдамида туташтириб куядилар. Бу йулдош сузларнинг хам давомчи кичик йулдош сузлари келиб чикади,уларни чизикча куйиб катта йулдош атрофига ёзилади.
- Хар бир гурух вазифасини тугатгандан сунг асосий калит сузга бириктирадилар.
- Шу тарика маълум бир масалани ечими келиб чикади ва бу холат хотирада чукуррок сакланиб колади.



Амалий ишлар

Микроорганизмларни мураккаб буяш усуллари.

Мураккаб буяш усуллари ёрдамида хужайранинг турли структур элементларини аниклаш мумкин.Хужайра деворининг тузилишга кура **Грам** (+) ва Грам (-) микроорганизмлар фаркланади. Хужайра девори таркибида мурин (пептидогликан) булади. Пептидогликан асосини No-ацетил глюкозамин ва N_o -ацетил мурам кислота ташкил килади. Бу моддалар таркибида Mg ионлари, тейхоев кислота булади.

Грам (+) бактериялар хужайра девори липопо ли сахарид булмайди, лекин оксилли тузилмалар булади.

Грам (+) бактериялар булганда: тейхоев кислота Mg ионлари иштирокида генциан - бинафша буёги билан спиртда эримайдиган комплекс хосил килади. Кейинчалик фуксин билан буялганда, иккинчи буёкни кабул килмайди, чунки олдин биринчи буёк билан булган булади. (гигенциан бинафша буёги билан)

Грам (-) бактериялар хужайра девори - юпка булиб, таркибида 20% гача пептидокликан саклайди. (уртача 10-12%). Пептидокликан таркибида тейхов кислота булмайди.

Шунинг учун бу бактериялар генцион - бинафша буёги билан компекс хосил килмайди. Спирт билан буялганда эса, биринчи буялган рангини йукотади. Фуксин (иккинчи буёг) таъсир эттиррилгандан сунг, фуксиннинг рангини (кизил рангини) олади.

Гинс-Бурри усули билан буяб, капсулали бактерияларнинг капсуласини анклаш мумкин. Бунда кора фонда капсула рангсиз холда булиб, бактериялар фуксин билан буялади.

Кислотага чидамли бактериялар **Циль - Нельсен усули** билан буялади. Кислотага чидамли бактериялар хужайра девори ва цитоплазмасида микол кислотаси, карбол кислота, ёғлар ва ёғ кислаталари куп булади, бу кислоталар хужайранинг тинкториял хусусияини оширади. Буёкнинг юкори консинтацияси ва киздириш туфайли хужайра деворининг буёк билан таъсирлашув реакцияси кучаяди ва бактерия кизил рангга буялади. Сульфат кислота билан ишлов берилганда кислотага чидамсиз бактериялар таъсирида рангсизланади ва метил куки билан кук ранга буялади.

Нейссер усули билан валютин доначалари буялади. Валютин доначаси цитоплазмадан фарк килиб, ишқорий реакцияда булади. Шунинг учун синька ацетатни кабул килиб, тук кук ранга буялади. Хужайра цитоплазмасида кислотали мухит булганлиги учун, цитоплазма ишқорий буёк - везувинни кабул килиб, сарик рангга буялади.

Коронгилаштирилган курув майдонидаги микроскопия

Максад: анилин буёги билан яхши буялмайдиган микроорганизмларни аниклаш ва микроорганизмларни харакатини ургапиш.

Курсатма: микроскопда куришнинг махсус усулларидан фойдаланиш учун.

Керакли анжомлар: микроскоп,парабалоид конденсор, кардиоит конденсор, объектив, иммерсион мой, препарат, кузгу сатхи.

Бажариладиган боскичлар(кадамлар):

№	Тадбирлар
1	Микроскопни ишчи холатга келтириш
2	Микроскопда оддий конденсор, коронгилик таъминлайдигани(парабалоит ёки кадиоид-конденсор) билан алмаштириш.
3	Оптик гомоген мухит булиши учун коронги майдонли конденсорнинг юкори линзасига бир томчи дистирланган сув ёки иммерсион мой томизилади
4	Конденсор буюм ойначасидаги сув ёки мой томчисига теккунча кутарилади
5	Етарли даражада кучли ва тургун ёруглик манбаини урнатиш ва микроскопнинг ёруглик системасини аник мослаштириш керак
6	Коронгилаштирилган курув майдонида микроскопда куриш учун эзилган томчи препаратини тайёрлаш
7	Тайёрланган препарат микроскопнинг столига куйилиб объектив 40 белгига куйилади
8	Микроскоп тубуси буюм ойначасига аста секин тушурилади
9	Препаратда кора фонда буялмаган микроорганизмлар ёки уларнинг харакатини топамиз
10	Ишни тугатгач микроскопни ишсиз холатга куйиш керак

Назорат саволлари:

- Нима учун баъзи микроблар Грам буйича манфий, баъзилари мусбат буялади? Грам усули.
- Капсулани аниклаш усули? Тушли (препарат) суртма тайёрлаш.
- Кислотага чидамли бактерияларни буяш учун Циль-Нильсен усулини ургапиш.

-Спораларни аниклаш ва буяш усули.

-Ожешко усули.

-Нейссер усули-валютин доначасини буяш ва аниклаш усули.

-«Эзилган томчи» препаратини тайёрлаш.

-Бактерияларни буяш усулларини урганишнинг амалиётдаги ахамияти.

-«Эзилган томчи» препарати кандай тайёрланади?

-Циль - Нильсен усули билан буяш этаплари нималардан иборат?

-Озикланиши буйича микроорганизмлар неча хил группаларга булади ва уларни озиқланиш механизмлари.

- Бактерияларнинг озикланиш турларини айтинг?
- Кандай йул билан микроорганизмлар купаяди?

Жорий бахолашни мезони

Бактерия хужайрасининг морфологияси, структур тузилиши ва химиявий таркиби. Микроорганизмларни мураккаб буяш усуллари ва унинг ахамияти.		
100-86балл	Ъало	Бактерия хужайрасининг структур тузилиши ва химиявий таркибини, микроорганизмларни мураккаб буяш ва уларни урганиш усулларини тулик тушунтириб бера олади. Улар хакида тушунчага эга. Мустакил хулоса ва карор кабул килиш, ижодий фикрлай олиш, мустакил мушохада юритиш, амалда куллай олиши, савол мохиятини тушуниш, билиш, ишонч билан айтиб бериш, аник тасаввурга эга булиш. Вазиятли масалаларни тугри ва ижодий ечиш, асослаб бериш. Амалий маштулотда Грам,Циль-Нильсен,Романовский-Гимза, Бури-Гинс, Ожешко, Нейссер ва бошка усулларда суртмани бўяш ишларини тугри бажариши ва изохлаб бериш. Амалий машгулот баённомаларини дафтарга ту'лик ёзиш, расмларни тугри чизиш. Интерактив уйинларда фаол ва ижодий катнашиш, уларни ечишда ижобий хулосалар ва тахлил килиш.
85-71балл	Ҳхши	Бактерия хужайрасининг структур тузилиши ва химиявий таркибини, микроорганизмларни мураккаб буяш ва уларни урганиш усулларини тушунтириб бера олади. Улар хакида тушунча эга. Лекин мавзуни тушунтириш давомида 2-3 та купол булмаган хатога йул куйиши. Саволни мохиятини тушуниш ва ишонч билан айтиб бериш. Вазиятли масалаларни тугри ечиши, лекин жавобнинг ту'лик ёритилмаслиги. Амалий машгулотларни тулик бажариши, лекин бажариш пайтида 1-2 кичик хатоликларга йул куйиши. Дафтарга баённома ёзиш ва_расм чизиш.
70-56балл	Қони-қарли	Назорат саволларини тугри лекин тулик ёритилмаслиги. Бактерия хужайрасининг структур тузилиши ва химиявий таркибини, микроорганизмларни мураккаб буяш ва уларни урганиш усулларини тулик тушунтира олмади.. Улар хакида тушунча кисман эга. Амалий машгулотларни бажариш пайтида 1-2 та купол хатоликлар килиши. Лаборатория машгулотини максадини тулик асослаб бериши, лекин мохиятини аник тушунтириб бера олмаслиги. Интерактив иш уйинларида иштирок этиши. Лекин катнашиш пайтида хатоликларга йул куйиши.
55балл ва ундан паст	Икки	Назорат саволлари ёритилмаслиги. Бактерия хужайрасининг структур тузилиши ва химиявий таркибини, микроорганизмларни мураккаб буяш ва уларни урганиш усулларини тушунтира олмади. Улар хакида тушунчаси йук. Амалий машгулотларни бажариш пайтида купол хатоликлар килиши. Лаборатория машгулотини максадини асослаб бера олмаслиги.

Амалий машгулот №3

Микроорганизмлар физиологияси. Озик мухитлар, уларнинг классификацияси. Соф культура ва идентификация хакида тушунча

Иш боскичининг давомийлиги 2 соат(1 пара) 90 мин.	**Ишни олиб бориши**	
	Муаллим томонидан	**Талаба томонидан**

1-боскич. Укув дарсига кириш кисми (35 мин.)	**1.1. Микроорганизмлар физиологияси. Озик мухитлар, уларнинг классификацияси. Соф культура ва идентификация хакида тушунча** 1.2. **Машгулотдан максад:** - Талабаларни микроорганизлар физиологияси билан таништириш. - патологик материаллар ва улардан суртмалар тайёрлаш; - суртма тайёрлаш техникаси билан уларни мураккаб усулларда буяш; - иммерсион системада бактерияларни микроскопда куриш техникасини узлаштириш. -суртмаларни мураккаб буяш усуллари ва уларни ёруглик микроскопида иммерсион системада куришни ургатиш; -микроорганизмларнинг физиологиясини урганиш усулларини ургатиш. **Машгулотнинг вазифаси:** -Бактерияларни мураккаб буяш усуллари билан буяшни урганиш. -Мураккаб буяш усулларини куллаб бактерия капсуласини аниклаш. -Бацилла ва клостридиялар спораларини буялишини урганиш. -Кислотага чидамли бактерияларни мураккаб буяш усули билан буяшни урганиш. **Машгулот утказилгандан кейин талабалар билишлари керак.** -Грам(-) ва Грам (+) бактериялар қандай рангга бўялишини ва нима учунлигини. - Циль-Нельсен усули качон кулланилишини. - Капсула кандай буяш усули билан аникланишини. - Валютин доначаси ва бошка киритмалар кандай буялишини. - Бактерияларни спораси қандай бўялишини. **Куйидаги куникмаларни кила билишлари керак:**- бемордан патологик материални олишни;	Эшитишади, аниклик киритишади, саволлар беришади.
2- боскич Асосий (115 мин.)	2.1. блиц-сурок/савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш утказилади. 2.2.Укув машгулоти структурасига биноан лаборатория ишларини бажариш, вазиятли масалалар ва график органайзерни урганилади. 2.3.Аналитик ким. Вазиятли масалалар ечиш. 2.4. «Бактерияларни физиологияси» буйича кластер тузиш.	Жавоб берадилар, эшитадилар, гурухда ишлайдилар,иш натижаларини презентация киладилар ва х.к.
3- боскич. Якунловчи-натижаловчи боскич	3.1.Мавзу буйича хулоса чикарилади, талабаларнинг фикрини мавзуни асосига йуналтириб, профессионал иш юритишда килинган ишларни мухимлигини айтиб утади. 3.2.Гурухни/алохида катнашчиларни иш олиб	Уз-узини бахолаш/хамма катори бахолашни

(30 мин.)	боришини бахолайди,узаро бахолашни якунига етказади. 3.3. Укув машгулотини максадига етишиш даражасини тахлил килади ва бахолайди. 3.4. Аудиториядан ташкари бажариладиган мустакил ишни таркатади.	утказади.Са воллар беради.

Микроорганизмлар физиологияси

Микроорганизмлар физиологияси деганда уларнинг:

1. Озикланиши 2. Нафас олиши
3. Усиши
4. Купайишини урганамиз

Микроорганизларда моддалар алмашиниш процесси яъни метаболизм процесси 2 та бир-бирига богланган процессда утади:

1. Ассимиляция (анаболизм)
2. Диссимиляция (катаболизм)

Ассимиляция процессида узлаштирилган озик моддалар - яъни юкори молекулали бирикмалар - хужайранинг уз тузилиши учун сарф булади.

Диссимиляция процессида озик моддалар парчаланди, оксидланади ва: хужайранинг хаёти учун керак булган энергия ажратиб чикаради.

Бактерия хужайраси узлаштирадиган (хазм киладиган) асосий бирикмаларга: углеводлар, аминокислоталар, ёг кислоталари, минерал тузлар, витаминлар ва бошка киради. |

Озикланиш типлари:

Бактерияларнинг озикланиш типлари углерод билан азотни хазм килиш характерига караб белгиланади. I Углеродни хазм килинишига караб:

I Аутотрофлар (грекча autos - узим, trophe - озикланиш). Автотроф бактериялар углерод манбаи килиб CO_2 дан фойдаланади ва улар оддий моддалардан мураккаб бирикмалар синтезлаб олади.

2. Гетеротрофлар - (грекча heteros -бошка, trophe - озикланиш). Углерод манбаи килиб хар хил, углерод тутувчи бирикмалар — гексозалар (глюкоза) куп атомли спиртлар, аминокислоталар, органик кислоталар куллайди.

3. Гипотроф — булар узларининг метаболитик активлигини йукотган микроорганизмлар булиб, бу бактериялар узларининг хает фаолиятларини
хужайра тузилиши ёки хужаин метаболитларини кайта тиклаш билан таъминлайди.

4. Ауксотрофлар. Узларининг ривожланиши учун усиш факторлари тала6 килувчи бактериялардир. Бундай бактериялар узларининг усиши учун керакли булган компонентларни узлари синтезлай олмайдилар.

Маълум бир усиш факторига мухтож булмаган бактериялар **прототрофлар** дейилади. Прототрофлар узига керакли булган органик бирикмаларни (углеводлар, аминокислоталар ва бошкалар) глюкоза ва аммон тузларидан сийтезлай олади.

Уз навбатида гетеротрофлар 2 группага булинади:

1. Сапрофитларлар
2. Паразитлар

Сапрофитлар (грекча sapros - чирилган phyton - усимлик) - тайёр органик бирикмаларни улик организмдан олади (чиритиш бактериялари).

Паразитлар эса одам, хайвон ва усимлик тирик хужайрасининг органик :-моддалари хисобига яшайди ва купаяди. Масалан, вируслар, риккетсиялар.

Азот хазм килишига караб микроорганизмлар 2 группа булади:

1. Аминоавтотрофлар
2. Аминогетеротрофлар,

Аминоавтотрофлар - хужайра оксилининг синтези учун хаводаги молекляр азотдан фойдаланади ёки аммоний тузларидан олади.

Аминогетеротрофлар - азотни органик бирикмалардан, аминокислоталардан, мураккаб оксиллардан олади.

Энергия манбаларига караб микроорганизмлар: 1. Фототрофлар- биосинтез реакциялари учун куёш нуридан энергия олади.

2. Хемотрофлар - неорганик моддаларнинг оксидланишидан ва органик моддалардан энергия олади.

Хозирги вактда микроорганизмларнинг озикланиш типларининг характеристикасига караб янги терминология киритилган:

1. Гетеротрофлар органотрофлар деб аталади
2. Автотрофлар литотрофлар деб аталади

Озик моддаларнинг транспорти (ташилиши)

Озик моддалар микроб хужайрасининг цитоплазмасига факат кичкина молекула холида ва эриган холда кириши мумкин.

Озик моддалар хужайра ичига бир неча йуллар билан киради:

Пассив диффузия -бунда озик мухит билан микроб хужайраси уртасидаги осмотик босим ва моддалар концентрацияси тенглашади ёки микроб хужайрасидаги модданинг концентрациясидан юкори булади.

енгиллашган диффузия бу асосан пермеазалар ёрдамида булади. Бу фермент булиб, хужайранинг цитоплазматик мембранасида жойлашган, специфик хусусиятга эга, энергиясиз утади.

Актив транспорт. Бу хам пермеаза ферменти ёрдамида, лекин энергия сарфлайди.

Химиявий группалар транслокацияси - бунда баъзи химиявий моддалар радикаллар холида утади. Микроб хужайрасидан моддаларнинг чикиши пассив диффузия йули билан ёки енгилашган диффузия процесси билан пермеаза ферменти иштирокида кетади.

Озик мухитлар

Озик мухит деб, таркибида оддий ва мураккаб бирикмалар тутган, шу бирикмаларда бактериялар лаборатория шароитида купайтириб олишга айтилади.

Озик мухитлар бактерия учун куйидаги талабларга жавоб бериш керак:

1. Бактерияларни купайиши учун зарур моддалар утиши керак ва енгил хазм булиши керак
2. Озик мухитлар маълум pH га ва изотоник холатга эга булиши керак ва яна тиник булиши керак.
3. Озик мухитлар бактериологик лабораторияларда стерилизация килинганда уз холатларини узгартирмаслиги керак.

Олинишига караб:

I) Табиий озик мухитлар

2) Сунъий озик мухитлар- буларга агар-агар, желатина, пептон.

Холатига караб:

1) каттик
2) суюк
3) ярим суюк

Ишлатилишига караб:

1) Асосий ёки универсал озик мухитлар. Масалан, нейтрал агар, гушт-пептон агар ва бульон. Куп микроорганизмлар шу мухитда усади.

2) Селектив ёки электив мухитлар. Бу мухитлар микроорганизмларни купайишига боглик. Электив мухитларга: 1% пептонли сув киради (вабо вибриони учун), Сафро кушилган мухитлар - сафроли бульон ва Рапопорт мухити (корин тифи учун) , стафилококк учун сут ва тухум сариги кушилган тузли агар.

3) Дифференциал-диагностик мухитлар. Бу мухитлар лаборатория шароитида бактерияларнинг бир-биридан фарклаш максадида ишлатилади. Масалан, Плоскирёв, Эндо, висмут-сульфат агар каби мухитлар киради.

Каттик озик мухтда колония хосил килади. R ва S колония тафовут кидинади. Суюк озик мухитда диффуз лойкалаш ва чукма, плёнка хосил килиб усади.

Амалий ишни бажариш таркиби.

1. Укув лабораториясидан тайёр иситилган, эритилган гушт-пептонли озик мухит ва стерилланган Петри косачаси берилади. Талаба шу Петри косачасига суюлтирилган озик мухитни куйиб юборади ва копкогини беркитиб тинч холатда 30 гача колдиради.
2. Талаба тайёрлаган пластинкали гушт-пептонли агарга хавони чуктириш усулида экади. Бунинг учун у Петри косачасининг копкогини очиб 1 5 дакика шу холда колдиради, сунг беркитиб, тункарган холда 24 соатга термостатда 37° С иссикликка колдиради.
3. Касалдан олинган йирингли материални талаба тухум сариги кушилган тузли мухитга штрих усулида, яъни ковузлок ёрдамида йиринг олиб, мухит устига зич-зич килиб, ботириб юбормасдан экади ва термостатда колдиради.
4. Талаба ковузлок ёрдамида касал ахлатни суюлтирилган суюклигидан олиб, Эндо (дифференциал-диагностик) мухитига штрих усулида экади ва термостатда колдиради.
5. Укув лабораториясидан берилган Китта -Тароцци мухитига тупрокнинг анаэроб микроорганизмини ажратиш учун 1г микдорда экилади ва термостатда колдирилади.

Зич ва суюқ муҳитларга патологик материалдан олиб экиш.

Мақсад : Юқумли касалликларга бактериологик усул билан ташхис қўйиш.
Кўрсатма: Микроорганизмларни культурал белгиларига кўра идентификациялаш.
Зарур анжомлар: зич агарли культура, суюқ муҳит патологик материал, қовузлок, спиртовка, пипетка.

Бажариладиган босқич (қадамлар).

№	Тадбирлар
1	Чап қул билан патологик материали бор бўлган пробирка ушланади ва пробкаси олиниб ўнг қўлдаги қовузлоқ билан ўсган карашдан олинади. Пробикарни оғзи спиртовкада қиздирилиб, пробкаси ёпилади.
2	Олинган материални қийшиқ гушт пептонли агарни қия томонига қовузлоқ ёрдамида зигзак қилиб экилади.
3	Ковузлоқни олиб пробиркани оғзи бекитилади ва экилган санаси ёзилади.
4	Қовузлоқни спиртовкада қиздириб штативга қўйилади.
5	Суюқ муҳитга ҳам худди юкоридагидек қовузлоқ ёки пипетка билан пробиркадаги озиқ муҳит тубига туширилади . Пробирка бекитилиб термостатга қўйилади.
6	Пипетка билан ишлашдан олдин уни қоғоздан олиб спиртовка алангасидан ўтказиб кейин пробиркага туширилади.
7	Кейин пипеткада экилувчи материалдан олиб суюқ муҳитга туширилади зарурат булганда резина трубка ёки «нокча» (груша) дан фойдаланилади.
8	Пипетка ишлатиб бўлгач дезинфекцияловчи эритмага солиб куйилади.
9	Қовузоқ билан экишдан олдин уни стериллаб олинади ва материал олиниб муҳитга туширилади.
10	Экиб бўлингач қовулоқ спиртовка алангасида стерилланади.

«Бактерияларни физиологияси» буйича кластер тузиш.

(Кластер- бу кокил, богланиш)-информация харитасини тузиш булиб, маълум бир асосий фактор атрофига уни ёритиб берувчи гояларни туплаш ва конструкциянинг барча тушунчаларини урганишдир.

- Кластер куриб чикилаётган мавзуни талаба хотирасига чукуррок мухрланиб колишини таъминлайди ва у бу мавзуни кийинчиликсиз эслаб,жавоб бериши мумкин.
- Кластер тузиш учун гурух талабалари 3 та гурухга булинади ва хар бир гурухга вазифа берилади. Улар бу вазифани бажаргач жамлашиб ката бир КЛАСТЕРни яратишади.
- Вазифада марказда калит суз булади. Талабалар шу калит сузга тегишли булган бир нечта йулдош сузларни калит суз атрофига ёзишади ва у билан чизикча ёрдамида туташтириб куядилар. Бу йулдош сузларнинг хам давомчи кичик йулдош сузлари келиб чикади,уларни чизикча куйиб катта йулдош атрофига ёзилади.
- Хар бир гурух вазифасини тугатгандан сунг асосий калит сузга бириктирадилар.
- Шу тарика маълум бир масалани ечими келиб чикади ва бу холат хотирада чукуррок сакланиб колади.



Назорат саволлари:

- Аутотрофлар- кандай озикланишни билдиради?
- Гетеротрофлар-кандайозикланишни билдиради?
- Гипотроф - кандай озикланишни билдиради?
- Ауксотрофлар- кандай озикланишни билдиради?
- микроорганизмлар кайси усуллар Билан купаяди?
- нафас олиш турлари?
- Микроорганизмлар физиологияси, уларнинг озикланиши ва озикланиш турлари.
- Микроорганизмларнинг каттик ва суюк озик мухитларда усиши ва купайиши.
- Суюк озик мухитларида бактерияларнинг усиши хусусиятлари ва уларни урганиш усуллари.

- Суюк озик мухитларда микробларнинг эгри чизикли купайиши, культуранинг (эгри чизикли) микроб сонини аниклаш.

Жорий бахолашни мезони

Микроорганизмлар физиологияси. Озик мухитлар, уларнинг классификацияси. Соф культура ва идентификация хакида тушунча		
100-86балл	Аъло	Микроорганизмлар физиологияси-озикланишини, нафас олишини,купайишини, усишини, озик мухитларни, уларнинг классификациясини ва уларни урганиш усулларини тулик тушунтириб бера олади. Улар хакида тушунчага эга. Мустакил хулоса ва карор кабул килиш, ижодий фикрлай олиш, мустакил мушохада юритиш, амалда куллай олиши, савол мохиятини тушуниш, билиш, ишонч билан айтиб бериш, аник тасаввурга эга булиш. Вазиятли масалаларни тугри ва ижодий ечиш, асослаб бериш. Амалий маштулотда озиқ мухит тайёрлаш жараёнида қатнашиши ва бажариладиган ишларни тугри бажариши ва изохлаб бериш. Амалий машгулот баённомаларини дафтарга ту'лик ёзиш, расмларни тугри чизиш. Интерактив уйинларда фаол ва ижодий катнашиш, уларни ечишда ижобий хулосалар ва тахлил килиш.
85-71балл	Яхши	Микроорганизмлар физиологияси-озикланишини, нафас олишини,купайишини, усишини, озик мухитларни, уларнинг классификациясини ва уларни урганиш усулларини тушунтириб бера олади. Улар хакида тушунча эга. Лекин мавзуни тушунтириш давомида 2-3 та купол булмаган хатога йул куйиши. Саволни мохиятини тушуниш ва ишонч билан айтиб бериш. Вазиятли масалаларни тугри ечиши, лекин жавобнинг ту'лик ёритилмаслиги. Амалий машгулотларни тулик бажариши, лекин бажариш пайтида 1-2 кичик хатоликларга йул куйиши. Дафтарга баённома ёзиш ва_расм чизиш.
70-56балл	Қониқарли	Назорат саволларини тугри лекин тулик ёритилмаслиги. Микроорганизмлар физиологияси-озикланишини, нафас олишини,купайишини, усишини, озик мухитларни, уларнинг классификациясини ва уларни урганиш усулларини тулик тушунтира олмади. Улар хакида тушунча кисман эга. Амалий машгулотларни бажариш пайтида 1-2 та купол хатоликлар килиши. Лаборатория машгулотини максадини тулик асослаб бериши, лекин мохиятини аник тушунтириб бера олмаслиги. Интерактив иш уйинларида иштирок этиши. Лекин катнашиш пайтида хатоликларга йул куйиши.
55балл ва ундан паст	Икки	Назорат саволлари ёритилмаслиги. Микроорганизмлар физиологияси-озикланишини, нафас олишини,купайишини, усишини, озик мухитларни, уларнинг классификациясини ва уларни урганиш усулларини тушунтира олмади. Улар хакида тушунчаси йук. Амалий машгулотларни бажариш пайтида купол хатоликлар килиши. Лаборатория машгулотини максадини

Амалий машгулот №4

Аэроб ва анаэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиш усуллари. Микроорганизмларнинг хаёти фаолиятида ишлаб чикарадиган махсулотлари ва уларни урганиш усуллари.

Иш боскичининг	**Ишни олиб бориши**	

давомийлиги 2 соат 90 мин	**Муаллим томонидан**	**Талаба томонидан**
1-боскич. Укув дарсига кириш кисми (35 мин.)	**1.1. Аэроб ва анаэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиш усуллари. Микроорганизмларнинг хаёти фаолиятида ишлаб чикарадиган махсулотлари ва уларни ургапиш усуллари.** 1.2. **Машгулотдан максад:**-Талабаларга микроорганизмни тоза культурасини ажратиб олиш коидаларини ургатиш, - микроорганизмларнинг колонияларининг хилма-хиллигини курсатиб, уларни ажрата билишини ургатиш, - кандай колония кайси озик мухитларга экилишини тушунтириш. - Бактерияларнинг тоза культурасини ажратиб олишда талаба шу микроорганизмларни колонияларини формасини ургапиб олиши. - Хар хил типдаги колонияларни бир-биридан идентификация килишни ургатиш. **Машгулотни вазифаси:** **Машгулот утказилгандан кейин талабалар билишлари керак:** - микроорганизмларнинг тузилишини ва бир-бири билан дифференциациялашни. - Тоза культура ажратиб олиш усулларини. - Колониянинг типига караб озик мухит танлашни. -Колонияларни бир-биридан идентификация килишни. -аэроб ва анаэроб микроорганизмлар соф культурасини ажратиб олиш усулларини. -микроорганизмларни хар хил хусусиятларига кура идентификация килиш.	Эшитишади, аниклик киритишади, саволлар беришади.
2- боскич Асосий (115 мин.)	2.1. блиц-сурок/савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш утказилади. 2.2.Укув машгулоти структурасига биноан лаборатория ишларини бажариш, вазиятли масалалар ва график органайзерни урганилади. 23.Аналитик ким. Вазиятли масалалар ечиш. 2.4. “Галлерия бўйлаб тур” иш ўйинини ўтказиш усули; «Бактерияларни соф культураси » буйича балиқ скелети схемасини тузиш.	Жавоб берадилар, эшитадилар, гурухда ишлайдилар, иш натижаларини презентация киладилар ва х.к.
3- боскич. Якунловчи-натижаловчи боскич (30 мин.)	3.1.Мавзу буйича хулоса чикарилади, талабаларнинг фикрини мавзуни асосига йуналтириб, профессионал иш юритишда килинган ишларни мухимлигини айтиб утади. 3.2.Гурухни/алохида катнашчиларни иш олиб боришини бахолайди,узаро бахолашни якунига етказади.	Уз-узини бахолаш/хамма катори бахолашни утказади.Саволлар беради.

	3.3. Укув машгулотини максадига етишиш даражасини тахлил килади ва бахолайди. 3.4. Аудиториядан ташкари бажариладиган мустакил ишни таркатади.	

Микроорганизмларнинг усиши

Усиш деганда микроб хужайрасининг катталашишини ва етилиши тушунамиз.

Микробларни купайишида асосан 2 та процесс катта ахамиятга эга - купайиш ва улиш. Шу 2 та процесс бир неча фазаларда утади:

1 **Бошлангич стационар фаза.** Бунда бактерия купаймайди. у мухит шароитига адаптацияланади. Бу хол 1-2 соат давом этади.

2 **Лаг фаза - секин усиш (усишни бошланиш) фазаси.** Бактерияларнинг усиши интенсив холда булмайди, бактериялар хажм жихатидан катталашади ва аста - секин усиш тезлиги орта боради, 2 соат давом этади

Мана шу иккала фазани адаптация, яъни бактерияларнинг озик мухит шароитига мослашиш ва усишнинг бошланиш фазаси десак хам булади.

3 **Лагорифмик- максимал тезликда булиниш ва купайиш фазаси.** Бунда микроб хужайраси кичиклашади, 5-6 соат давом этади.

4. **Манфий тезланиш фазаси** - купайиш максимал холда булмайди, булинувчи хужайралар сони камаяди 2 соат давом этади.

5 **Стационар фазаси** - янги хужайралар сони билан улаетган хужайралар сони тенглашади 3 соат давом этади.

6. **Улиш фазаси.** Улаетган хужайралар сони ошади, 3 соат давом этади.

7 **Логарифмик улиш фазаси.** Улиш логарифмик тарзда тезлашади 5 соат давом этади.

8. **Улиш тезлигининг пасайиш фазаси** - тирик колган бактериялар тинчланиб (сокинлик)холатига утади.

Юкорида курсатилган фазаларнинг тезлиги шартли кабул килинган, чунки шароитга караб бу тезликлар узгариши мумкин (тезлашиши еки секинлашиши мумкин).

Микроорганизмларнинг купайиши йуллари

Бунда микробларнинг шу популяциясидаги сонини ортишига айтилади. Бактериялар:

1. Кундаланг булиниш йули билан
2. Жинсий йул билан (М: E.coli конъюгация)
3. Спора хосил килиш йули билан (замбуруглар, актиномицитлар)
4. Майдаланиш йули билан (риккетциялар)
5. Куртак чикариш йули билан
6. ипчалар хосил килиш билан купаядилар (М:хламидийлар)

Бактерияларнинг нафас олиши

Микроорганизмларнинг нафас олиши деганда биохимик реакциялар асосида уларнинг хаётига зарур булган энергияни ажралиб чикиш процессига айтилади.

Бу процесснинг мохияти моддалар оксидланиб электрон беради, тикланаётгани эса уни кабул килади ва бунинг натижасида энергия хосил булади.

Нафас олишига караб бактериялар:

1. Облигат аэроблар (катъий, талабчан)
2. Облигат анаэроблар (катъий, талабчан)
3. Факультатив анаэроблар
4. Микроаэрофиллар
5. Аэротолерант бактериялар

1. Облигат аэроблар кислородли шароитда усади, аэроб нафас олишда кислород хисобланади.
М: Туберкулёз, бруцеллёз, лептаспиралар.
2. Облигат анаэроблар - кислородсиз шароитда усиб купаяди. М: Пат.клостридий
3. Факультатив анаэроблар - хам кислородли хам кислородсиз шароитда усади.
4. Микроаэрофиллар - кислород кам булган мухитда нафас олади. М: Бруцеллалар, актиномицетлар
5. Аэротолерант бактериялар - киска вакт ичида атмосфера кислородида яшайди, лекин усмайди.

Амалий ишлар.

1. Хаво экилган гушт-пептонли мухитдаги, йиринг экилган тухум сариги кушилагн тузли агардги, касал ахлати экилган Эндо мухитидаги колонияларни 1 тупрок экилган Китта-Тароцци мухитидаги бактерия усмаларини урганишда уларни культурал хусусиятлари, яъни колония S ёки R формадалигини, рангини, консистенцияси урганилади. Сунгра тоза культурасини ажратиш учун шу колониядан ковузлок ёрдамида олиб, кийшик агарга штрих усулида экилади ва термостатда колдирилади.

Аэроб ва анаэробларнинг культурасини ажратиб олиш ва идентификацияси

“Галлерия бўйлаб тур” иш ўйинини ўтказиш усули

Иш учун зарур:

1. Ҳар хил рангли ручкалар.
2. Жеребтевка учун қоғозлар.
3. Ўйин баённомасини олиб бориш.
4. Саволлар ёзилган конвертлар

Ишни бажарилиш тартиби:

1. Гуруҳ 3 та (под гуруҳга) гуруҳчага 3-4 та талабадан бўлинади.
2. Ҳар бир гурухча алоҳида столга ўтириб, биттадан оқ варақ ва бир хил рангли ручка олишади.
3. Қоғозга сана, гурух номери, ўйин номи, (Ф.И.) шу гурухчадаги талабаларнинг исми, шарифи ёзилади.
4. Гурухчадан 1 та талаба ўқитувчи олдида турган конвертдан бирини олади ва шу гурух ўз жавобларини варағига жавобларни ёзишади.
5. Хар бир гурухча учун алоҳида саволлар бир хил мураккабликда тузилган бўлиши керак.
6. 10^{I} вақт белгиланади.
7. Кичик гурухлар 10^{I} давомида ўз жавобларини варақларга ёзишади ва вақт тугаши билан 2-3 гурухчалар саволларни алмашадилар.
8. Кейинги хар бир гурухча олдинги гурухчалар жавобини ўқиб бахолашади ва ўзларида қўшимча бўлса ёзишади, бу этап ҳам 10^{I} давом этади.
9. 30 дақиқадан сўнг варақлар йиғиб олинади. Бу варақларда 3 хил ручкада ёзилган жавоблар варианти бўлади.
10. Ҳамма талабалар натижаларни биргаликда тахлил қилинади. Бунинг учун 15^{I} вақт берилади.
11. Ўз (билет) вариантларига тўлиқ жавоб ёзган ва бошқа вариантларга қўшимча равишда жавоб берган гурухгача юқори балл берилади.
12. Талабалани баҳолашда иш ўйинида олган баллари хисобга олинади
13. Талабалар иш ўйинлари ўқитувчида сақланади.
14. Иш ўйини ўтказилган сана жадвалга ёзилиб гурух сардори қўл қўяди.

Аэроб ва анаэробларнинг соф культурасини олиш ва идентификацияси.

1. Анаэробларнинг соф культураси қайси усуллар билан аниқланади?
2. Бульондан бактериялар қандай ўсади?
3. Сероводород хосил бўлганини қандай аниқлаш мумкин?
4. Микробнинг культурал хусусияти нима?
5. Идентификация нима? Микроблар идентификацияси қандай аниқланади?
6. Агрессив ферментлар мавжудлиги қандай аниқланади?
7. Пластинкали агар қандай тайёрланишини айтинг.
8. Микробларнинг ферментатив хусусиятлари қайси озиқ мухитларда ўрганилади.
9. Анаэроблар учун қандай озиқ мухитлар қўлланилади?
10. Дригальский усули қачон ва қандай қўлланилади?
11. Индол хосил бўлишини қандай аниқлаш мумкин?
12. Колониялар бир-биридан фарқланади?
13. Бактерияларнинг сахаролитик ферментлари таъсирини тушунтиринг.
14. Микроорганизмлар соф культурасини ажратиш усулларини санаб беринг ва қайси усуллар билан озиқ мухитларга экилади?
15. Аммиак ва каталаза мусбат ё манфийлиги қандай аниқланади?
16. Кох усулини тушунтиринг ва қачон қўлланилади?
17. Биологик (фортнер) усули нима учун ва қандай қўлланилади?
18. Микроскопик ва тинкториал баҳолаш нима?
19. Идентификациялашда биохимик хусусиятлар қандай аниқланади?
20. Микроорганизмлар токсигенлиги қандай аниқланади?
21. Химик усул нима учун ва қандай (Анаэроблар соф культураси ажралишда) қўлланилади?
22. Устунчалик агар (столбик агар) га укол усулида экиш нима?
23. Анаэробларни ўстириш учун анаэроб шароитини қандай яратиб берамиз?
24. Макроскопик баҳолашни санаб беринг.

«Бактерияларни соф культураси » буйича балиқ скелети схемасини тузиш.

(Кластер- бу кокил, богланиш)-информация харитасини тузиш булиб, маълум бир асосий фактор атрофига уни ёритиб берувчи гояларни туплаш ва конструкциянинг барча тушунчаларини урганишдир.

- Кластер куриб чикилаётган мавзуни талаба хотирасига чукуррок мухрланиб колишини таъминлайди ва у бу мавзуни кийинчиликсиз эслаб,жавоб бериши мумкин.
- Кластер тузиш учун гурух талабалари 3 та гурухга булинади ва хар бир гурухга вазифа берилади. Улар бу вазифани бажаргач жамлашиб ката бир КЛАСТЕРни яратишади.
- Вазифада марказда калит суз булади. Талабалар шу калит сузга тегишли булган бир нечта йулдош сузларни калит суз атрофига ёзишади ва у билан чизикча ёрдамида туташтириб куядилар. Бу йулдош сузларнинг хам давомчи кичик йулдош сузлари келиб чикади,уларни чизикча куйиб катта йулдош атрофига ёзилади.
- Хар бир гурух вазифасини тугатгандан сунг асосий калит сузга бириктирадилар.
- Шу тарика маълум бир масалани ечими келиб чикади ва бу холат хотирада чукуррок сакланиб колади.



Назорат саволлари:

25. Анаэробларнинг соф культураси қайси усуллар билан аниқланади?
26. Бульондан бактериялар қандай ўсади?
27. Сероводород хосил бўлганини қандай аниқлаш мумкин?
28. Микробнинг культурал хусусияти нима?
29. Идентификация нима? Микроблар идентификацияси қандай аниқланади?
30. Агрессив ферментлар мавжудлиги қандай аниқланади?
31. Пластинкали агар қандай тайёрланишини айтинг.
32. Микробларнинг ферментатив хусусиятлари қайси озиқ мухитларда ўрганилади.
33. Анаэроблар учун қандай озиқ мухитлар қўлланилади?
34. Дригальский усули қачон ва қандай қўлланилади?
35. Индол хосил бўлишини қандай аниқлаш мумкин?
36. Колониялар бир-биридан фарқланади?
37. Бактерияларнинг сахаролитик ферментлари таъсирини тушунтиринг.
38. Микроорганизмлар соф культурасини ажратиш усулларини санаб беринг ва қайси усуллар билан озиқ мухитларга экилади?
39. Аммиак ва каталаза мусбат ё манфийлиги қандай аниқланади?
40. Кох усулини тушунтиринг ва қачон қўлланилади?
41. Биологик (фортнер) усули нима учун ва қандай қўлланилади?
42. Микроскопик ва тинкториал баҳолаш нима?
43. Идентификациялашда биохимик хусусиятлар қандай аниқланади?
44. Микроорганизмлар токсигенлиги қандай аниқланади?
45. Химик усул нима учун ва қандай (Анаэроблар соф культураси ажралишда) қўлланилади?
46. Устунчалик агар (столбик агар) га укол усулида экиш нима?
47. Анаэробларни ўстириш учун анаэроб шароитини қандай яратиб берамиз?
48. Макроскопик баҳолашни санаб беринг.

Жорий бахолашни мезони

Аэроб ва анаэроб бактерияларнинг соф культурасини ажратиш усуллари. Микроорганизмларнинг хаёти фаолиятида ишлаб чикарадиган махсулотлари ва уларни урганиш усуллари.		
00- 86балл	Аъло	Аэроб ва анаэроб бактерияларнинг соф культурасини, микроорганизмларнинг хаёти фаолиятида ишлаб чикарадиган махсулотларини ва уларни урганиш усулларини тулик тушунтириб бера олади. Улар хакида тушунчага эга. Мустакил хулоса ва карор кабул килиш, ижодий фикрлай олиш, мустакил мушохада юритиш, амалда куллай олиши, савол мохиятини тушуниш, билиш, ишонч билан айтиб бериш, аник тасаввурга эга булиш. Вазиятли масалаларни тугри ва ижодий ечиш, асослаб бериш. Амалий маштулотда қовузлоқ ёрдамида аниқ колонияни олиб қайта экиш ишларини тугри бажариши ва изохлаб бериш. Амалий машгулот баённомаларини дафтарга ту'лик ёзиш, расмларни тугри чизиш. Интерактив уйинларда фаол ва ижодий катнашиш, уларни ечишда ижобий хулосалар ва тахлил килиш.
35- 71балл	Яхши	Аэроб ва анаэроб бактерияларнинг соф культурасини, микроорганизмларнинг хаёти фаолиятида ишлаб чикарадиган махсулотларини ва уларни урганиш усулларини тушунтириб бера олади. Улар хакида тушунча эга. Лекин мавзуни тушунтириш давомида 2-3 та купол булмаган хатога йул куйиши. Саволни мохиятини тушуниш ва ишонч билан айтиб бериш. Вазиятли масалаларни тугри ечиши, лекин жавобнинг ту'лик ёритилмаслиги. Амалий машгулотларни тулик бажариши, лекин бажариш пайтида 1-2 кичик хатоликларга йул куйиши. Дафтарга баённома ёзиш ва_расм чизиш.
70- 56балл	Кони- карли	Назорат саволларини тугри лекин тулик ёритилмаслиги. Аэроб ва анаэроб бактерияларнинг соф культурасини, микроорганизмларнинг хаёти фаолиятида ишлаб чикарадиган махсулотларини ва уларни урганиш усулларини тулик тушунтира олмади.. Улар хакида тушунча кисман эга. Амалий машгулотларни бажариш пайтида 1-2 та купол хатоликлар килиши. Лаборатория машгулотини максадини тулик асослаб бериши, лекин мохиятини аник тушунтириб бера олмаслиги. Интерактив иш уйинларида иштирок этиши. Лекин катнашиш пайтида хатоликларга йул куйиши.
55балл в ундан паст	Икки	Назорат саволлари ёритилмаслиги. Аэроб ва анаэроб бактерияларнинг соф культурасини, микроорганизмларнинг хаёти фаолиятида ишлаб чикарадиган махсулотларини ва уларни урганиш усулларини тушунтира олмади. Улар хакида тушунчаси йук. Амалий машгулотларни бажариш пайтида купол хатоликлар килиши. Лаборатория машгулотини максадини

Амалий машгулот № 5

МАВЗУ Умумий вирусология. Вирусларни структураси, морфологияси, купайиши. Бактериофаглар.

Иш боскичининг давомийлиги 2 соат 90 мин	**Ишни олиб бориши**	
	Муаллим томонидан	**Талаба томонидан**

1-боскич. Укув дарсига кириш кисми (35 мин.)	**1.1 Умумий вирусология. Вирусларни структураси, морфологияси, купайиши. Бактериофаглар.** **Машгулотдан максад:** Талабаларни вируслар ва бактериофагларни тузилишини, химиявий таркиби, купайиши, лабораторияда ажратиб олиниши, индекация, идентификация килиш усуллари билан таништириш. **Машгулотни вазифаси:** -Талабаларни вируслар классификацияси номенклатуралари билан таништириш. -Вирусларни, бактериофакларни морфологияси, структураси симметрия типлари химиявий таркиби, репродукцияси билан талабаларни таништириш. -Вирусларни лаборатория шароитида ажратиб олиш хужайра культуралари, индекация, идентификация килиш усуллари ургатиш. -Вируслар келтириб чикараётган юкумли касалликларга лаборатория диагнозини куйиш усулларини талабалар томонидан узлаштирилиши. **Машгулот утилгандан кейин талабалар билиши керак.** -ДНК ва РНК тутувчи вируслар бактериофаглар хакида, (уларни структураси, симтерия типлари, химиявийц таркиби) тулик маълумотга эга булишлари. -Вируслик лаборатория кулланиладиган, хужайра культурасини ва уларни ошиш принцип ларини. -Вирусларни хужайрага таъсири ва уларни аниклаш усулларини. -Вирусли юкумли касалликларга ташхис куйиш усулларини.	Эшитишади, аниклик киритишади, саволлар беришади.
2- боскич Асосий (115 мин.)	2.1. блиц-сурок/савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш утказилади. 2.2.Укув машгулоти структурасига биноан лаборатория ишларини бажариш, вазиятли масалалар ва график органайзерни урганилади. 23.Аналитикким. Вазиятли масалалар ечиш. 2.4. «Вирусларнинг репродукцияси » буйича кластер тузиш.	Жавоб берадилар, эшитадилар,гурухда ишлайдилар,ишнатижаларини презентация иладилар ва х.к.
3- боскич. Якунловчи-натижаловчи боскич (30 мин.)	3.1.Мавзу буйича хулоса чикарилади, талабаларнинг фикрини мавзуни асосига йуналтириб, профессионал иш юритишда килинган ишларни мухимлигини айтиб утади. 3.2.Гурухни/алохида катнашчиларни иш олиб боришини бахолайди,узаро бахолашни якунига етказади. 3.3. Укув машгулотини максадига етишиш даражасини тахлил килади ва бахолайди. 3.4. Аудиториядан ташкари бажариладиган мустакил ишни таркатади.	Уз-узини бахолаш/хамма катори бахолашни утказади.Саволлар беради.

Вирусларнинг классификацияси

Вирусларнинг хозирги замон классификацияси умурткали, умурткасизлар, усимликлар ва содда хайвонлар вирусл ар учун универсал хисобланади. Хозирги замон классификацияси асосида куйидаги асосий критерийлар куйилган:

1. Нуклеин кислоталар типи (РНК ёки ДНК), уларнингг структураси (ипларининг сони)
2. Липопротеид кобигининг бор ёки йуклиги
3. Вирус геномининг стратегияси
4. Вирусларнинг морфологияси, размери, капсомерларининг сони
5. Генетик узаро таъсир феноменлари
6. Узига кабул килувчи (сезувчи) хужайинлар доираси
7. Патогенлиги
8. География таркалиши ;
9. Утиш йуллари
10. Антиген хусусияти

Шу белгиларига караб вируслар оила, оилача, авлод ва типларга булинади.

Оилага булиниши юкорида курсатилган белгиларнинг 1 ва 2 чисини уз ичига олади. Тур ва типларга эса колган белгиларига каралади. Вирусларнинг 19 оиласи мавжуд. Булардан 7 — ДНК тутувчи ва 12 - РНК тутувчи вирусл ар.

Оила номларига «Viridae», оилача - «virinae», авлод «virus» кушилиб айтилади.

Оила:	*Оилача:*	*Авлод:*	*Тип:*
Poxvridae	Chordopoxvirinae	Orthopoxvirus	чечак вируси

Вирусларнинг химиявий таркиби

:

Вируслар тузилишига караб 2 та группага булинади: 1. Содда тузилишга эга булган вируслар;

2. Мураккаб тузилишга эга булган вируслар

Содда вируслар нуклеин кислотаси (РНК ёки ДНК) ва оксил кавати капсиддан ташкил топган. Нуклеин кислотасини ураб турган оксил кавати нуклеокапсид дейилади. Капсид нуклеин кислотасини ташки мухит таъсиридан саклайди.

Мураккаб вируслар капсиднинг ташқари сидан яна битта кават суперкапсид хосил килади. Суперкапсидни оксиллардан ташқари углеводлар, липидлар, ферментлар ташкил килади, Липидлар ва углеводлар хужайрадан келиб чиккан.

Вируслар куйидаги узига хослик билан фаркланади:

1. Хужайра тузилишига эга эмас
2. Жуда майда ва электрон микроскопда курилади
3. Ўзида факат битта нуклеин кислотаси ёки ДНК, ёки РНК тутади.
4. Ўзида хусусий модда алмашиниш бўлмайди , булар облигат хужайра ичйдаги паразит хисобланади
5. Дисъюнктив (узилиб-узилиб) йули билан кўпаяди (репродукция).
6. Сунъий хужайрасиз озик-мухитларда ўсмайди.

Вируслар 3 хил формада - кўринишда бўлиш и мумкин

1. Хужайра ташқари сида (интакный)-вирион
2. Хужайра ичида, актив формаси
3. Провирус куринишида - хужайра билан биргаликда келади ва хужайра геноми билан бирикади

Вируслар катталиги нанометрларда улчанади (нм).

1 нм = 1/1000 микрометр = 1/1000000 миллиметр.

Вирусларнинг катталигини бир неча методлар билан аникланади:

1. Хар хил диаметрга эга булган махсус фильтрлар билан ультрафилтрация
2. Ультрацентрифугалаш билан
3. Суюқликда вирионларни диффузиялаш билан (электр зарядлари натижасида диффузия холати келиб чикади)
4 . Электрон микроскопда

Вируслар катта-кичиклигига караб 3 та группага булинади:

1. 15-25 нм-майда вируслар (энтеровируслар)
2. 100-120 нм - урта вируслар (грипп)
3. 250-300 нм - катта вируслар (чечак вируси)

Вирионларнинг формаси:

1. Сферик - кўп киррали
2. Таёкчасимон
3. Ипсимон
4. Уксимон
5. Гиштсимон ва бошкалар

Вирусларнинг репродукцияси хужайра билан узаро таъсири процессида утади.

Вирусларнинг хужайра билан узаро таъсири кйидаги стадияларда утади:

Іфаза

Вируснинг хужайрага адсорбцияланиши
2. Вируснинг хужайра ичига кириши
3. Хужайрада вируснинг ечиниши ёки оксил кобикдан холос бўлиш и

II фаза

4. Транскрипция '
5. (Трансляция) информационРНК трансляцияси
6. Геномларнинг репликацияси (геномларининг кўпайиши)
7. Вируснинг компонентларининг йиғилиши

IIIфаза

8. Вируснинг хужайрадан чикиши

Амалий кисм.

- нима учун вируслар зарарланган хужайраларда катта куп ядроли симблает хужайраларини хосил килади?
- мутадил фагларни практик ахамияти нимадан иборат, улар бактерияларда руй берувчи кайси жараёнларда катнашади?

Амалий ишлар.

1. Вирус тутувчи патологик материални бирламчи хужайра культурасига юктириш.
2. Товук эмбрионини амнион ва аллантоис бушлигига вирус сакловчи патологик материални юктириш.
3. Риноцитоскапия усулида бурундан босма суртма тайёрлаш Романовский-Гимза усулида буяш микроскопда куриш, дафтарга тасвирини чизни.
4. Стафилококк культурасини стафилококк бактериофагига булган сезгирлигини аниклаш.

«Вирусларнинг репродукцияси » буйича кластер тузиш.

(Кластер- бу кокил, богланиш)-информация харитасини тузиш булиб, маълум бир асосий фактор атрофига уни ёритиб берувчи гояларни туплаш ва конструкциянинг барча тушунчаларини урганишдир.

- Кластер куриб чикилаётган мавзуни талаба хотирасига чукуррок мухрланиб колишини таъминлайди ва у бу мавзуни кийинчиликсиз эслаб,жавоб бериши мумкин.

- Кластер тузиш учун гурух талабалари 3 та гурухга булинади ва хар бир гурухга вазифа берилади. Улар бу вазифани бажаргач жамлашиб ката бир КЛАСТЕРни яратишади.
- Вазифада марказда калит суз булади. Талабалар шу калит сузга тегишли булган бир нечта йулдош сузларни калит суз атрофига ёзишади ва у билан чизикча ёрдамида туташтириб куядилар. Бу йулдош сузларнинг хам давомчи кичик йулдош сузлари келиб чикади,уларни чизикча куйиб катта йулдош атрофига ёзилади.
- Хар бир гурух вазифасини тугатгандан сунг асосий калит сузга бириктирадилар.
- Шу тарика маълум бир масалани ечими келиб чикади ва бу холат хотирада чукуррок сакланиб колади.



Назорат саволлари:

-Вирусларни хозирги замон классификацияси, номенклатураси.
-Вирусларни тузилиши, симметрия типлари химиявий таркиби.
-Вирусларни репродукцияси, купайишдаги узига хос хусусиятлари.
-Вирусларни устириш усуллари ва устиришда кулланиладиган хужайра культуралари.
-Вирусларни индекция ва идентификация килиш усуллари.
-Вируслар келтириб чикарувчи юкумли касалликларга ташхис куйиш усуллари.
-Бактериофаглар морфологияси, тузилиши, химиявий таркиблари.
-Бактериофагларни репродукциялари вируслардан фарклари.
-Бактериофагларни практик ахамияти амалиётда кулланилиши.
-Вирионни структура эдеменларини санаб утинг

-Вирусларни симметрия типларини айтинг.

-Бактерияфагларни мофологик типларини айтиб утинг.

-Бирламчи культура тукималарини тайёрлаш усулларини мохияти ва этапларини санаб утинг.

-Товук эмбрионига вирус сакловчи материални юктириш этапларини айтиб беринг

-Вирусларни цитопатик таъсирини санаб утинг.

-Вирусларни индекация ва индентификация килиш усулларини санаб утинг.

Жорий бахолашни мезони

Умумий вирусология. Вирусларни структураси, морфологияси, купайиши. Бактериофаглар.		
100-86балл	Аъло	Вирусларни, бактериофагларни, уларнинг морфологиясини, хоссаларини урганиш усулларини тулик тушунтириб бера олади. Улар хакида тушунчага эга. Мустакил хулоса ва карор кабул килиш, ижодий фикрлай олиш, мустакил мушохада юритиш, амалда куллай олиши, савол мохиятини тушуниш, билиш, ишонч билан айтиб бериш, аник тасаввурга эга булиш. Вазиятли масалаларни тугри ва ижодий ечиш, асослаб бериш. Амалий маштулотда культура экилган Петри косачасига бактериофаг таъсир эттириш ишларини тугри бажариши ва изохлаб бериш. Амалий машгулот баённомаларини дафтарга ту'лик ёзиш, расмларни тугри чизиш. Интерактив уйинларда фаол ва ижодий катнашиш, уларни ечишда ижобий хулосалар ва тахлил килиш.
85-71балл	Яхши	Вирусларни, бактериофагларни, уларнинг морфологиясини, хоссаларини урганиш усулларини тушунтириб бера олади. Улар хакида тушунча эга. Лекин мавзуни тушунтириш давомида 2-3 та купол булмаган хатога йул куйиши. Саволни мохиятини тушуниш ва ишонч билан айтиб бериш. Вазиятли масалаларни тугри ечиши, лекин жавобнинг ту'лик ёритилмаслиги. Амалий машгулотларни тулик бажариши, лекин бажариш пайтида 1-2 кичик хатоликларга йул куйиши. Дафтарга баённома ёзиш ва_расм чизиш.
70-56балл	Кони-карли	Назорат саволларини тугри лекин тулик ёритилмаслиги. Вирусларни, бактериофагларни, уларнинг морфологиясини, хоссаларини урганиш усулларини тулик тушунтира олмади.. Улар хакида тушунча кисман эга. Амалий машгулотларни бажариш пайтида 1-2 та купол хатоликлар килиши. Лаборатория машгулотини максадини тулик асослаб бериши, лекин мохиятини аник тушунтириб бера олмаслиги. Интерактив иш уйинларида иштирок этиши. Лекин катнашиш пайтида хатоликларга йул куйиши.
55балл вундан паст	Икки	Назорат саволлари ёритилмаслиги. Вирусларни, бактериофагларни, уларнинг морфологиясини, хоссаларини урганиш усулларини тушунтира олмади. Улар хакида тушунчаси йук. Амалий машгулотларни бажариш пайтида купол хатоликлар килиши. Лаборатория машгулотини максадини

Амалий машгулот № 6

МАВЗУ: Ташқи мухит факторларини микроорганизмларга таъсирини ўрганиш. Микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлиги ва чидамлилиги.

Иш боскичининг	**Ишни олиб бориши**	

давомийлиги 2 соат 90 мин	**Муаллим томонидан**	**Талаба томонидан**
1-боскич. Укув дарсига кириш кисми (35 мин.)	**1.1. Ташқи мухит факторларини микроорганизмларга таъсирини ўрганиш. Микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлиги ва чидамлилиги.** **Машгулотдан максад:** Талабаларни химик, физик, биологик факторлар билан таништириш. Асептика, антисептика, стерилизация, дезинфекция термини билан таништириш. - бактериялар хаёт фаолиятига таъсир килувчи, хамма ташки мухит факторларни урганиш. **Машгулотни вазифаси:**-температура босим, куритиш, ультра товуш ва ультра бинафша нурларини микроорганизмларга таъсирин и аниклаш.-оксидловчи, огир металл тузларини фенол ва формальдигидни таъсирини анклаш. -стерилизация ва дезинфекция усуллари билан танишиш.-химиотерапевтик препаратлар ва антибиотикларнинг асосий гурухлари билан танишади. Бу препаратларнинг таъсир механизми, таъсир доираси билан танишиб чикишади. **Талаба машгулот сунгида билиши керак:** -хамма химик, физик, биологик таъсирлар (бактерияларга)механизмини.-асептика, антисептика, дезинфекция стерилизациялар фаркини.-келиб чикиши, таъсир механизми, таъсир доираси буйича антибиотиклар классификациясини. -антибиотикка чидамли бактерияларнинг келиб чикишмеханизмини.-антибиотикларга актерияларнинг сезувчанлигини аниклашни. **Талабалар бажара олишлари керак.** -агарли мухитга микроб культураларини экишни ва уни стериллигини аниқлашни. -кузгатувчиларнинг антибиотикларга сезгирлигини (диск) когозли ва кетма-кет суюлтириш усуллари билан аниклашни.	Эшитишади, аниклик киритишади, саволлар беришади.
2- боскич Асосий (115 мин.)	2.1. блиц-сурок/савол-жавоб шаклида билимларини актуаллаштириш утказилади. 2.2.Укув машгулоти структурасига биноан лаборатория ишларини бажариш, вазиятли масалалар ва график органайзерни урганилади. 2.3.Аналитикким. Вазиятли масалаларечиш. 2.4. «Стерилизация» буйича кластер тузиш.	Жавоб б-ди, Эш-ди, гурухда ишлайди иш натини презция киладила
3- боскич. Якунловчи-натижаловчи боскич (30 мин.)	3.1.Мавзу буйича хулоса чикарилади, талабаларнинг фикрини мавзуни асосига йуналтириб, профессионал иш юритишда килинган ишларни мухимлигини айтиб утади. 3.2.Гурухни/алохида катнашчиларни иш олиб боришини бахолайди,узаро бахолашни якунига етказади. 3.3. Укув машгулотини максадига етишиш даражасини	Уз-узини бахолаш/хамма катори бахолашни утказади.Савол лар беради.

	тахлил килади ва бахолайди. 3.4. Аудиториядан ташкари бажариладиган мустакил ишни таркатади.	

Амалий ишлар:

1.Ичак таёкчаси культурасига фенол таъсирини аниклаш.

а) Грам усулида буялган препаратни тоза культурасини аниклаш.

б) Ичак таёкчаси культурасини фенолли мухитига экиш.

в) Ичак таёкчаси культурасини фенолиз мухитига экиш.

Бактерияларни табияда тарқалишини аниқлаш- бармокдан босма усулда эндо мухитига экиш (кулни обработка килиб, килинмасдан).

Боглов матиралини стериллигини аниклаш учун. Стерил ва ностерил боглов материалини гуштли пептонли бульонига экиш.

2. Стафилококк ва ичак таёкчаси культурасини хар хил антибиотикларга сезгирлигини когозли диск усулида аниклаш тажрибасини утказиш.

а) Грам усулида буяб, ажратиб олинган соф культурани тозалигини аниклаш.

б)) Стафилакокк ва ичак таёкчаси культураларидан ювинди, яъни микроб тупламини тайёрлаш.

в) Текширилаётган культурани Петри косачасидаги мухитга газон усулида экиш.

г) Антибиотиклар шимдирилган когозли дискларни мухит устига куйиб чикиш.

3. Фенолли ва фенолсиз мухитларга экилган ичак таёкчаси культурасини натижалаш.

4. Спирт билан ювилган ва ювилмаган бармоклар экилган экилмани натижалаш.

5..Гушт-пептонли бульонга экилган стерил ва ностерил боглов материални натижалаш.

а) усишни аниклаш.

б) Грам усулида буяб препаратда микроорганизмларнинг морфологик ва тинкториал хусусиятини аниклаш таъсвирини дафтарга чизиш.

в) богловчи материални стериллигини аниклаш буйича протокол тузиш. **Аналитик кисм.**

1, Бактериологик текшириш учун стерил П косачаси, пипеткалар ва бошка идишлар кандай учулда стерилланиши керак?

2. Лабораторияга бемордан (балгам) материал олиб келинган. Материал канализацияга ташланишдан олдин кандай обработка килиниши керак ва нима учун?

3. Касал ахлатидан дизентирия кузгатувчиси ажратиб олинди. Бу культуранинг антибиотикларга сезгирлигини кандай усулда аникланади.

4. Ангина билан касалланган касалга пенициллин 3 кун давомида хамма коидаларга риоя килинган холда юборилди, лекин касал даволанмади, эффект булмади. Даволовчи шифокорнинг хатоси нимада?

5. Эшерихиоз билан касалланган касални тез даволаш учун кандай антибиотикни бериш керак?

Қоғозли диск усули ёрдамида микроорганизмларни антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш.

Мақсад: Юқумли касалликларни олдини олиш ва даволашнинг самарадорлигини ошириш учун антимикроб препаратларни рационал танлаш.

Курсатма: Микроорганизмларнинг антибиотикларга чидамли штамлари аниқланганда.

Зарур анжомлар: Озиқ муҳитли Петри косачи, текширувчи культура, физиологик эритма, антибиотиклар шимдирилган қоғоз дисклар.

Бажариладиган боскичлар(кадамлар):

№	Иш тури.
1	Озиқ муҳитли Петри косачасига текширилувчи материал культурасидан «газон» усулида бир текис экилади. Ортиқча эритма тўкиб ташланади.
2	Антибиотиклар шимдирилган қоғоз дисклари пинцет ёрдамида агарга қўйиб

	чиқилади. 90ммли агарли косача юзасига 6- 8 диск қўйиш мумкун.
3	Экилма 16- 24 соат давомида инкубация қилинади. Маълум муддат ўтгач натижалар бактериялар ўсишининг тўхташ, яъни шишасимон тиниқ зоналар борлигига қараб баҳоланади.
4	Ҳосил бўлгач тиниқ зоналарга қараб қайси антибиотикка нисбатдан сезгир ёки сезгир эмаслиги баҳоланади. Линейка ёрдамида диск атрофидаги зона диаметри ўлчанади.

«Стерилизация» буйича кластер тузиш.

(Кластер- бу кокил, богланиш)-информация харитасини тузиш булиб, маълум бир асосий фактор атрофига уни ёритиб берувчи гояларни туплаш ва конструкциянинг барча тушунчаларини урганишдир.

- Кластер куриб чикилаётган мавзуни талаба хотирасига чукуррок мухрланиб колишини таъминлайди ва у бу мавзуни кийинчиликсиз эслаб,жавоб бериши мумкин.
- Кластер тузиш учун гурух талабалари 3 та гурухга булинади ва хар бир гурухга вазифа берилади. Улар бу вазифани бажаргач жамлашиб ката бир КЛАСТЕРни яратишади.
- Вазифада марказда калит суз булади. Талабалар шу калит сузга тегишли булган бир нечта йулдош сузларни калит суз атрофига ёзишади ва у билан чизикча ёрдамида туташтириб куядилар. Бу йулдош сузларнинг хам давомчи кичик йулдош сузлари келиб чикади,уларни чизикча куйиб катта йулдош атрофига ёзилади.
- Хар бир гурух вазифасини тугатгандан сунг асосий калит сузга бириктирадилар.
- Шу тарика маълум бир масалани ечими келиб чикади ва бу холат хотирада чукуррок сакланиб колади.



Назорат саволлари:

- -микробларга таъсир курсатувчи химик, физик, биологик факторлар.
- -асептикани, антисептикадан фарки нимада. Дезинфекция ва стерилизация тушунчаси.
- -стерилизация, асептика, антисептика дезинфекция тушунчаларини айтинг.
- -дезинфекцияловчи моддалар, уларнинг таъсир механизми.
- -физик стериллаш усулларини сананг.
- -лиофилизация нима?
- -Микроорганизмлар орасида симбиотик ва антогонистик узаро муносабатлар.
- -Антибиотикларнинг асосий гурухларининг антибактериал таъсир механизмини куриб чикиш.
- -Бактерияларнинг антибиотикларга сезгирлигини сифат ва микдорини аниклаш руллари.
- -Антибиотикларнинг таъсир доираси.
- -Одам организмига антибиотикларнинг салбий таъсири.
- -Микроблар орасида антогонизм ва унинг келиб чикиш механизми.
- -Келиб чикиши, таъсир механизми, таъсир доираси буйича антибиотиклар классификацияси.

- -Хужайра девори синтезига, оксил синтезига нуклеин кислота ва цитоплазматик мембрана синтезига таъсир килувчи антибиотикни айтинг.
- -Аминогликозидларга кандай антибиотик киради.
- -Полиенли гурухга кирувчи антибиотиклар ва уларнинг таъсир механизми.
- -Антибиотикка чидамли бактерияларнинг келиб чикиш механизми ва бу жараёнда антибиотикларнинг роли.
- -Бактерияларнинг антибиотикка чидамлигини кандай генетик элемент бошкаради?
- -Чидамли бактериялардан сезувчанликка доривор чидамлиликнинг утиш йуллари.
- -Антибиотикларга бактерияларнинг сезувчанлигини аниклаш.
- фенол кушилган ва кушилмаган агарга кайси усул билан экилади.
- кул терисидан олинган суртма кайси мухитга кандай экилади?

Жорий бахолашни мезони

Ташқи мухит факторларини микроорганизмларга таъсирини ўрганиш. Микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлиги ва чидамлилиги.		
100-86балл	Аъло	Ташқи мухит факторларини микроорганизмларга таъсирини ўрганиш,. микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлиги ва чидамлилигини тулик тушунтириб бера олади. Улар хакида тушунчага эга. Мустакил хулоса ва карор кабул килиш, ижодий фикрлай олиш, мустакил мушохада юритиш, амалда куллай олиши, савол мохиятини тушуниш, билиш, ишонч билан айтиб бериш, аник тасаввурга эга булиш. Вазиятли масалаларни тугри ва ижодий ечиш, асослаб бериш. Амалий маштулотда 2 та пробиркадаги суюқ озиқ бульонларга стерил ва ностериль бинт бўлакчасини экиш, Петри косачасидаги стериль озиқ мухитга газоен усулида микроб экиб устидан антибиотик шимдирилган қоғоз диск қўйиш ва термастатга қўйишни тугри бажариши ва изохлаб бериш. Амалий машгулот баённомаларини дафтарга ту'лик ёзиш, расмларни тугри чизиш. Интерактив уйинларда фаол ва ижодий катнашиш, уларни ечишда ижобий хулосалар ва тахлил килиш.
85-71балл	Яхши	Ташқи мухит факторларини микроорганизмларга таъсирини ўрганиш,. микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлиги ва чидамлилигини тулик тушунтириб бера олади. Улар хакида тушунча эга. Лекин мавзуни тушунтириш давомида 2-3 та купол булмаган хатога йул куйиши. Саволни мохиятини тушуниш ва ишонч билан айтиб бериш. Вазиятли масалаларни тугри ечиши, лекин жавобнинг ту'лик ёритилмаслиги. Амалий машгулотларни тулик бажариши, лекин бажариш пайтида 1-2 кичик хатоликларга йул куйиши. Дафтарга баённома ёзиш ва_расм чизиш.
